

81.633.1  
Ш 26

**Ў.ШАРИПОВА**

**ЮМУШ  
ФЕЪЛЛАРИНИНГ  
МАЪНО  
ВАЛЕНТЛИКЛАРИ**

1.633.1  
Ш 26



FF0000010227

**ТОШКЕНТ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ  
ПЕДОГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

81,633.1  
426

67

Ў. ШАРИПОВА

# ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЪНО ВАЛЕНТЛИКЛАРИ

(Ўқув қўлланма)



~~А-7867/2~~

ТОШКЕНТ - 2012

Ўзбекистон Республикаси  
Маданият ва ақлий ҳаёт маркази

ALISHER NAZIROV NIMIDAGI  
T: 5060  
DAU  
LABOROT-RESURS MARKAZI

Мазкур ўқув қўлланма Тилшунослик фанининг Семасиология бўлимига бағишланган. Унда валентлик назарияси, феъл валентликлари ва уларнинг ифодаловчилари ҳақида маълумотлар берилган. Ҳар бир валентликнинг имкониятлари мисоллар ва далиллар билан ёритиб берилган. Валентлик назариясининг Грамматика, Матншунослик ва Семантика бўлимларининг ўзаро структурал боғланишига таъсири борлиги кўрсатилган.

Ушбу ўқув қўлланмадан филология факултети магистрантлари, талабалари ва мутахассислари фойдаланишлари мумкин.

**Масъул муҳаррир:** М.Миртожиев – ф.ф.д. проф.;

**Тақризчилар:** Р.Расулов – ф.ф.д. проф.;

С.Муҳамедова – ф.ф.д. проф.

## СЎЗ БОШИ

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб сўз маъносини тадқиқ этиш тилшуносликнинг диққат марказига ўтди. Айниқса, 60-йиллардан кейин кенг доирада тадқиқ этила бошланди. Бу сўз валентлигини ўрганишни ҳам юзага келтирди. Сўз валентлиги, бизга маълумки, сўз маъносининг таркиби билан узвий боғлиқдир. Сўз гапда қўлланган маъноси қандай таркибга эга бўлса, шунга мутаносиб равишда ўз валентлиги билан юзага чиққан бўлади. Шунинг учун ҳам Э.М.Медникова сўзнинг маъно таркиби бирламчими ёки унинг валентлиги бирламчими, деган масалани илгари суриб, бу бахс гўё олдин нима бўлган, товукми ё тухум, деган бахсга ўхшайди, деб кўрсатади. Олима семасиология сўзнинг синтагматик ва парадигматик хусусиятларидан келиб чиқади, бунда сўз маъноси етакчилик қилиши шарт, деган фикрга келади<sup>11</sup>.

Ҳақиқатан, фалсафада қайд этилишича, ҳар қандай жисмнинг хусусияти шу жисм муносабатга киришганида юзага чиқади. Сўзнинг нутқ учун танланган маъносига хос мантиқий таркиб унда илгаридан бўлади. У алоқага киришгач, бирикмаларда юзага чиқади. Р.А.Будагов ҳам худди шу фикрни илгари сурган.

Ҳар бир сўзнинг маъно валентликлари потенциал имконият бўлиб, у фақат нутқда юзага чиқиши мумкин, лекин, албатта, тил қонуниятига тўла мос келади. Ана шу мутаносиблик ва номосликлар олимларни қизиқтиради.

Кўринадики, сўз маъносининг мантиқий таркиби бирламчи бўлиб, шу асосда унинг валентлиги шаклланади. Демак, сўз маъносининг мантиқий таркиби билан унинг валентлиги ўртасидаги муносабат ҳақидаги фикрлар анча тортишувли бўлиб, у ҳали давом этмокда.

Ҳар қандай ҳолда ҳам сўз маъносининг мантиқий таркиби ва сўз валентлиги ўзаро жипс боғланган тил фактларидир. Уларнинг бирини иккинчисисиз тадқиқ этиб бўлмайди. Бунинг устига, сўз валентлиги ўрганилар экан, у бирикмаларни ўрганиш учун ҳам тадқиқотчига калит беради. У бу калит воситасида бирикмалар сирининг мазмун билан боғлиқ томонини очиш имкониятига эришади.

Машхур немис тилшуноси Г.Хельбиг: “Синтактик валентлик қолипи (асосан феълларда) ҳам синтактик, ҳам семантик қуршовни белгилайди, лекин кейингиси фақат умумий маъно белгилари (аниқроғи архисема) ёрдамида аниқланади”, деган эди ўз вақтида.<sup>23</sup>

Феъл валентлигини тадқиқ этиш гап қолипларини белгилаб чиқиш учун асос беради. Гап қолипларини белгилаш эса ҳозирги машина таржимасини яратиш учун қилинаётган ҳаракат даврида катта аҳамиятга эга.

Юмуш феъллари валентлигини тадқиқ этиш анча кенг доирани ўз ичига олади. У агендан ташқари контрагент, объект, пациенс, восита каби зарурий валентликларга ҳам эга. Бу деган сўз ушбу феъллар иштирокида тузилган гап бир қатор бўлақлардан таркиб топади. Шу феъл валентлигини тадқиқ этиш ушбу бўлақлар билан уларнинг семантикаси ўртасидаги алоқаларни аниқлашдир. Бу орқали мазмуний синтаксис учун салмоқли ҳисса қўшилади.

Ўзбек тилшуноси С.Усмонов таъкидлаганидек, “Тил нутқ сифатида намоён бўлгандагина маълум функцияни бажариши мумкин”<sup>25</sup>. Бунда турган гапки, сўзларнинг нутқда қўлланиши, сўзлар имконияти ва хусусиятларининг юзага чиқиши эътиборда тутилади. Сўзлар грамматик қолип тақазо этган ҳар қандай сўзни эмас, балки унинг маъноси талаб қилган сўзларнигина қабул қилади. Яъни у шу томонларни ҳисобга олган ҳолда сўзларни сайлаб олиб, алоқага киришади. Сўзлардаги бу хусусият жуда илгаридан бошлаб ҳис қилинган. Масалан, М.Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” ва Замахшарийнинг “Муқаддиматул-адаб” луғатларига ҳам эътибор бериш мумкин. Уларда маълум сўз тушунтирилмоқчи бўлинар экан, иккинчи тилдаги нусхаси аниқ чиқмаса, шу сўзнинг маъносини очиш мақсадида бирикмалари келтирилади. Бу бирикмалар уша сўз маъносининг мантиқий қисмларини очишда роль ўйнайди. Луғатчиликдаги бу анъана дунё луғатчилигининг ҳозирги даврида ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Ҳозир ҳам давом этиб келмоқда. Шунинг учун ҳам В.Виноградов ўзининг лингвистикага бағишланган асарларида сўзлар боғланишига оид кўп қимматли фикрларни айтиб ўтган.

Кейинги вақтда сўзларнинг ўз маъно хусусиятига кўра сайлаш усули билан бошқа сўз билан муносабатга киришуви сирини дифференциал семантик усул бўйича асослаб берилди. Бунда ўзаро боғланиб келувчи сўзлар ўз маъноларининг мантиқий узвларидан

бири асосида айнан мос келади, деб кўрсатилади. Бундай маъно узвлари классема атамаси билан берилган.

В.Г.Гак эса уни синтагмема атамаси билан қайд этади<sup>4</sup>. Масалан, “стулда ўтирибди” бирикмасида стул сўзи ‘мебель’ ‘суянчикли’ ‘сатх’ ўтирмоқ сўзи эса тик ‘қад билан’ ‘сатҳда’ ‘жойлашмоқ’ семаларидан таркиб топган. Уларнинг ‘сатх’ семаси бир хил. Шунга кўра мазкур бирикма тузилган. Шу бир хил сема классема ҳисобланади. Кўринадики, сўзлар маълум сўз билан бирикар экан, ўз маъносининг мантикий узвларидан бири билан бир хил бўлган узвли маънога эга сўзни танлаган бўлади. Худди шу фикр ўзбек тилшунослигида ҳам такрорланган бўлиб, уни Ш.Раҳматуллаев ва Р.Юнусовларнинг ҳамкорликда эълон қилган мақолларида кўриш мумкин. Бу мақола классема ҳақидаги илк тадқиқотлардандир<sup>19</sup>. В.Каримжонов эса шу масалага асосланиб, бир қатор мақолалар эълон қилди. Буларда кўпроқ ўрин келишликли феъл бошқарувидаги бирикмалар маъноси ва классемаси таҳлил қилиб берилади. Мазкур муаллиф юқоридагилардан фарқли равишда, бирикма классемаси бирикманинг ҳоким компоненти бўлган феълнинг қайси валентлигига асосланишини кўрсатади<sup>5</sup>.

Аслини олганда, сўзнинг ўз маъноси имкониятидан келиб чиқиб, бошқа сўзни бирикма учун танлаш имконияти унинг валентлиги ҳисобланади. Бу барча тилшуносликларда қайд этилган. Валентлик термини дастлаб француз тилшуноси Л.Теньер томонидан қўлланилган бўлиб, бунда у химиядаги шу терминнинг қўлланиш моҳиятидан келиб чиққан эди. Теньер сўз валентлигини маъносига кўра таснифлар орқали эмас, рақамлар билан кўрсатиш орқали берган. Масалан, бажарувчини I-рим рақамида, объектни II-рим рақамида ва ҳоказо ҳолда қайд этиб кўрсатади. Шундан кейин валентлик ҳақида тадқиқотлар кенг ёйилади. Айниқса, немис тилшунослигида унга катта эътибор билан қаралди. Бунда валентлик сўз маъноси билан боғлиқ эканлиги диққат эътиборда туради. Бу масала тезлик билан рус тилшунослигида, кетма-кет ўзбек тилшунослигига ҳам кириб келди. Ўзбек тилшунослигида маълум маъно майдонидаги феъллар олиниб, уларнинг валентлиги таҳлил этилди. Бу соҳада, айниқса, И.Кўчқортоев ва Р.Расуловларнинг докторлик диссертацияларини кўрсатиш мумкин.

И.Кўчқортоевнинг докторлик диссертациясида нутқ феъллари танланиб, бу феъллар маъноларининг оралик узвларига кўра тасниф қилинади. Кейин алоҳида бобда уларнинг валентликлари

тадқиқ этилади. Валентликлар тадқиқи аввалги бобдаги таснифга асосланган ҳолда олиб борилган. Равшан Расуловнинг докторлик диссертациясида ҳолат феъллари олиниб, ишнинг кириш қисмида шу феъллар маъносининг асосий узви бўйича характерлаб берилиб, кейин оралиқ узвлари бўйича тасниф қилинган. Ниҳоят, фарқланувчи узвлари нимадан иборат бўлиши кўрсатилган<sup>16</sup>.

Ишнинг асосий қисмида ҳолат феъллари валентлиги тадқиқ этилар экан, шу валентликлар ҳолат феъллари маъноларининг таҳлил этилган узвларига асосланганлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берилади. Шу орқали тадқиқотчи Г.Хельбиг томонидан илгари сурилган сўз маъноси узвлари асосида валентлик, валентлик асосида гап қолипни юзага келиши ҳақидаги фикрни қувватлайди. Шу асосда яна Т.Мусаевнинг сезги феълларининг валентлиги ҳақидаги номзодлик диссертацияси юзага келди.

Кўринадики, валентликларнинг тадқиқ этилиши дунё тилшунослигида ҳам, асосан, феъллар доирасида бўлган. Чунки феъл, деярли гапнинг кесими вазифасида келади. Ўзбек тилшунослигида валентликни тадқиқ этиш феъл доирасидан четга чиқди. К.Ҳакимов “Содда гап қолипли фразеологизмларнинг зарурий валентлиги” мавзусида иш олиб борди<sup>29</sup>. Бунда у валентликнинг яна бир ўзига хос хусусиятини очиб берган. Содда гап қолипли фразеологизм валентлигини унинг таркибидаги феъл ёки етакчи бўлак белгилайди. Бу феъл ёки етакчи бўлакнинг валентлиги фразеологизмнинг бошқа бўлаклари томонидан ёпилган бўлса, фразеологизм бу валентлик билан қайта реализация қилиниши мумкин эмас. У ҳолда ўзига мос бўлмаган бирор бўлақда юзага чиқиши мумкин. Кўринадики, гап қолипли кесим вазифасидаги феъл валентлигига, феъл валентлиги ўз маъносининг узвларига ҳар қандай ҳолатда ҳам қатъий боғлиқ бўлади. Юқорида сўзнинг ташқи валентлиги ҳақида фикр юритдик. Унинг ички валентлиги ҳам мавжуд. У шундан иборатки, сўзнинг ўзаги асосида янги сўз ясалар экан, ясовчи қўшимчаларнинг қўшилиши шу ўзакнинг имкониятидан келиб чиқади. Бу имконият ўша сўзнинг ички валентлиги ҳисобланади. Шунингдек, қўшма сўз ясалиши ҳам сўзлардаги шу имконият билан боғлиқ ҳолда юзага чиқади. Бу ҳақда эса ўзбек тилшунослигида М.Жўрабоевнинг ишларини мисол келтиришимиз мумкин.

Сўз валентлигини тадқиқ этиш ўзбек тилшунослигида анча кенг тарқалган. У ўзининг бир қатор тадқиқотчиларига ҳам эга бўлиб олган. Мазкур иш ҳам шу тадқиқотчилар ишининг давоми ҳисобланади. Биз уч гуруҳга ажратилган ҳаракат феълларидан бирини танлаб, шу феъллар устида тадқиқот ишларини олиб борганмиз. Ҳаракат феъллари қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Йўлланма ҳаракат феъллари. 2. Юмуш феъллари. 3. Кечим феъллари.

Ушбу иш юмуш феълларининг семантик валентлигига бағишланган. Юмуш феъллари бирор бир фаолиятни ифодаловчи иш-ҳаракатни билдиради. Бунда ҳаракат иш жараёнида бирор бир нарсага ўтади ва шу нарсада ўзгариш содир этади. Юмуш феъллари ўзининг маъно тузилиши билан бошқа феъллардан фарқ қилади. Бунда бажарувчи, бажарувчига кўмаклашувчи, иш бажарилиши объекти кабилардан ташқари сўз маъноси таркибида яна иш бажариш воситасини билдирувчи қурол ифодаси ва феълларнинг кўпинча каузативли бўлиши характерлидир. Шунга кўра бошқа валентликларнинг ҳам реаллашишида хосланишлар юзага келган. Шу хосланишларни очиб бериш, тадқиқ этиш ишда асосий диққат марказини эгаллайди.

Юмуш феъллари қуйидаги семантик валентликларга эга:

1. Агенс. 2. Контрагент. 3. Объект. 4. Пациенс. 5. Восита-қурол. 6. Адресат. 7. Ўрин.



## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИНИНГ АГЕНС ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юмуш феълларининг семантик валентиклари ҳақида гап борар экан, аввало, агенс валентлиги хусусиятлари билан танишиб чиқамиз. Юмуш феълларининг агенси гапда асосан эга вазифасида келади. Юмуш феълларининг семантик қурилиши таъсирида агенси доим шахс ифодаловчи сўз бўлади.

Юмуш феълларининг маъно таркибини тузсак, уларнинг ҳаммасига “онг эгаси томонидан” узви ҳос бўлади. Бошқачароқ айтганда, юмуш феъллари билдирган иш-ҳаракат “онг эгаси томонидан”, яъни инсонлар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун юмуш феълларининг бажарувчиси доим шахс билдирувчи сўзлар бўлади. Баъзи ҳолларда агенс шахс билдирмайди, лекин онгли ҳаракат англашилиб туради. Масалан, **комбайн ўрди**. **Ўрмоқ** феъли билдирган ҳаракат онгли равишда бажариладиган иш. **Комбайн** ўзича шу ҳаракатни бажармайди. Уни одам бошқаради, кейин комбайн ўради. Демак, барибир бажарувчи одам бўлиб қолади.

Шу ўринда юмуш феълларини ҳолат феъллари билан киёслайлик. Ҳолат феълларида умуман ҳаракат йўқ. Ҳолат феъллари билдирган жараён одамларгагина ҳос эмас. Уларда агенс турли предметлар, жониворлар ва шахс бўлиши мумкин. Масалан, **арава турибди**, **мушук ухлади**, **девор қулади** каби.

Агенс фақат шахсни билдирар экан, у турли маънодаги сўзлар бўлиши мумкин. Бу жиҳатдан уларни қуйидаги гуруҳларга ажратамиз:

1. Агенс вазифасидаги сўзлар шахс билдирувчи атоқли отлар бўлиб, улар яна қуйидаги маъноларни билдиради:

1) исм билдирувчи атоқли отлар бўлади. Масалан, Холпош хола бир зумда дастурхон ёзди. (Ў.Ҳошимов). Норқўзи машинага ўғит ортди (Ҳ.Ғулом)... Сиддиқжон анҳорнинг нариги ёғида анжир очаётган бўлиб.. (А.Қаҳҳор). Бу гаплардаги ёзмoқ, ортмоқ, очмоқ феълларининг агенси сифатида Холпош хола Норқўзи ва Сиддиқжон атоқли отлари келган.

2) одамлар лақабини билдирувчи атоқли отлар бўлади. Масалан, Тақа мўйлов эса уй ичида майда миҳ билан деворга сим қоқа бошлади (Ў.Умарбеков). Илҳомча ҳовуз бўйига палос ташлаб, гўшт ниёз тўгради (Ҳ.Ғулом). Биринчи гапда Тақа мўйлов сўзи йнгит

белгисининг лақаб тариқасида ифодаланишидир, иккинчи гапда эса **Илҳомча-кичиклик** маъноси қўшилган ном гапнинг агенсидир.

3) халқ мифологиясига биноан айрим образни билдирувчи отлар бўлади. Масалан, Афанди ёнғокни пичоқ билан икки бўлди (Латифалар).

2. Агенс қариндош-уруғчилик номларини билдиради. Масалан, Дадам икки-уч йилдан буён чўлда бульдозер ҳайдаб ер текислайди (Х.Тўхтабоев). Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади (Х.Тўхтабоев). Самандаровнинг хотини вайсаб юрнб чой қўйди (А.Қаҳҳор). Бу гаплардаги агенс **дадам, ойим, хотини** сўзлари бўлиб, улар эғалик қўшимчалари билан келган.

3. Агенс шахс билдирувчи турдош отлар билан ифодаланади. Масалан, Кишилар масжид, мадраса солганда, биз бир етим боқсақ арзимайдими (А.Қодирий)... одамлар наमत устига ёйилган кумларни қоқиб тушира бошладилар (М.Осим). Шўх қизларимиз гўнг ташийди (Х.Ғулом). Бу гаплардаги агенс вазифасида **кишилар, одамлар, қизлар** сўзлари келган.

Ўзбек тилида аввал эга, кейин кесим келади. Баъзан гапнинг модал маъносига кўра ёки поэтик талабга кўра булар ўрин алмашинади. Масалан, кийимини ҳам ёқадими киши (Латифалар). Бу гапда инкор модал маъносига кўра эга ва кесим ўрин алмашган ва "киши кийимини ёкмайди" деган маъно шундай чиройли ифодаланган. Ана шу **киши** сўзи бу гапнинг агенсидир.

4. Юмуш феълларининг агенси касб билдирувчи номлар билан ифодаланади. Масалан: Ёнгирма бир ёшга кирган ёш олим қутри (диаметри) етти газ келадиган катта глобус ясади (М.Осим). Беруний қасрга яқинлашганда туғ кўтариб қиличларини кинларидан суғуриб овозлари борича бақариб сўкинаётган аскарбошилари кўрди. (М.Осим). Ғуломбаччанинг амрига бўйсунган усталар кўрғонни худди у айтгандай ва ундан ҳам зиёдрок қилиб тайёрладилар (Ўзбек халқ эрт). Бу гаплардаги **олим, усталар, аскарбошилар** сўзлари агенс вазифасидаги сўзлардир.

5. Юмуш феълларининг агенси вазифасида олмошлар бўлиши мумкин. Бунда улар кишилиқ олмошлари, ўзлик олмоши ёки ким сўроқ олмоши бўлиб, турли шахс-сонда келади. Масалан: Гўнг билан чиқиндиларни мен катта челаққа солиб турдим (Х.Тўхтабоев). Сен урушдан ҳассани шу ниятда кўтариб келувдингми? (А.Қаҳҳор). У кир осадиган арқон билан маҳкам ўраб

ташлади (Ў.Умарбеков). Улар станцияга аравалар извошларда катта-катта чамадонлар, қоплар, кўрпа ёстиқларгача ортиб келишди. (Х.Ғулом). Юқоридаги мисолларда кишилиқ олмошлари агенс вазифасида келган. Сигирларни ким соғади? (Х.Тўхтабоев). Бу гапда ким сўроқ олмоши соғмок феълнинг агенси вазифасида келган. Шу жой жуда зарур бўлса, кунлар юришиб кетганда, ўзимиз омовч билан чопиб оламиз (Ў.Умарбеков). Бу гапда агенс вазифасидаги сўз ўзимиз бўлиб, аслида биз ўзимиз маъносида шахсни ифодалайди.

6. Юмуш феълларининг агенс вазифасида отлашган сўзлар ҳам келади. Улар сифатдош, сифат ёки сон туркумларига оид бўлиб, маъносидан шахс англашиб туради: Иккови сўрига ўтириб, кўсак чувийди (А.Қаҳҳор). Муштумзўрлар мол-мулкани яшираётганини, от-уловини сўяётганини айтди (А.Қаҳҳор). Баъзи жойларга тўрт - беш марталаб чигит экишди азаматлар (Ў.Усмонов). Биринчи гапда жамловчи сон **икков** чувимоқ феълнинг агенс вазифасида келган. У шахсни англатади. Кейин гапларда отлашган сифат, яъни **муштумзўр** ва **азамат** сўзлари сўймоқ ва экмoқ феълларининг агенс вазифасида келган.

7. Юмуш феълларининг агенс вазифасидаги сўз бир нечта мисолда шахс ифодаламайди. Бу гапларда агенс вазифасидаги сўзлар **чўл**, **трактор** ва **тепловоз** бўлиб, улар қуйидагича изоҳланади. Масалан: Чўл баҳор келинчаги оёғи остига безалган яшил поёндозини ёйиб ташлади. (М.Осим). Бу гапда ёймок феълнинг агенс вазифасида **чўл** сўзи келган. Фикрни образли ифодалаш мақсадида автор жонсиз предметни, яъни чўлни жонлантириб тасвирлаган. Демак, феълнинг асосий семаси “ижро” бу гапда ҳам сақланиб қолган, фақат аллегорик образ-чўл унинг агенс бўлиб келган. Бундай ҳолни биз ҳар қандай аллегорик образлар берилган эртақларда ҳам учратишимиз мумкин. Маслан, Шайтон ўроқ билан пояни ўриб олди (Ўзбек халқ эртаги). Тулки бўрининг олдига дастурхон солди (Ўзбек халқ эртаги). Бу гапларда **шайтон** ва **тулки** сўзлари шахс хусусиятлари кўчирилган аллегорик образлар бўлиб, **ўрмок** ва **солмок** феълларининг агенсидир.

Трактор бир ярим кун ишлаб тизза бўйи ҳайдаб берибди (А.Қаҳҳор). Тепловоз сўнгги марта қичкириб составни тортиб кетди (Х.Ғулом). Кўриб турибсизки, юмуш феълларининг агенс транспортни билдирувчи сўзлар бўлиши ҳам мумкин. Бирок

мантиқан қараганимизда транспорт воситаси ёки техника ўз-ўзидан иш бажармайди. Уни инсон иш бажаришга кириштиради. Инсоннинг онгли ҳаракати ва бошқаруви ёрдамида техника воситаси ишни амалга оширади.

Демак, бу гаплардаги **трактор ва тепловоз сўзлари хайдамок ва тортмоқ** феълларининг агеңси вазифасида қўлланган.

8. Агеңс қурилмадан иборат бўлиши ҳам мумкин. Бунда агеңс вазифасидаги қурилма таркибида аниқ шахс билдирувчи от (баъзан атоқли от) ва таъкидлаш мақсадида олмош ёки изоҳловчи сўз бўлади. Масалан: Яхшибой аканинғ ўзи сизга чўлдан юз гектар хайдаб берарди (Ў.Умарбеков). Бу гапда агеңс вазифасидаги қурилма **Яхшибой аканинғ ўзи** бўлиб ўзлик олмоши агеңсни таъкидлаш мақсадида қўлланган.

Биз ака-укалар сув сепамиз (Ў.Ҳошимов). Оёғимдаги туфлини Шоқир деган битта оғайним тикиб берган (Х.Тўхтабоев). Бу мисолларда ҳам агеңс **биз ака-укалар, Шоқир деган битта оғайним** қурилмаларидан иборат.

Юқорида кўриб чиққан мисолларимизнинг ҳаммасида эга эксплицит ифодаланган. Баъзан эга имплицит бўлган мисолларни ҳам учратиш мумкин. Бунда эга гапда ифодаланмаган ҳолда контекстдан англашилиб туради. Шахс билдирувчи сўз маъноси алоқадорликка асосан бошқа сўзга кўчади. Натижада эга шахс билдирувчи сўз бўлмай фақат шу юмуш феъли англаган ишнинг гапдаги бажарувчиси маъносини беради. Отлашган сўзлардагидек унда умуман эганинғ тўлиқ маъноси ифода топмайди. Бундай гапларда юмуш феълларининг агеңси вазифасидаги сўзлар актуализаторлар бўлиши мумкин. Масалан: Тўқайнинг қамишини район саноат комбинати ўриб кетадиган бўлди (Х.Фулом). Бу гапдаги **ўрмоқ** феълининг субъекти – **комбинат ишчилари** ҳисобланади. Бу ерда алоқадорликка асосан **ишчилар** сўзи тушиб қолиб, унинг вазифаси **комбинат** сўзига ўтган. Натижада **комбинат** ўрди кўринишидаги предикатив муносабат пайдо бўлган.

Гапда агеңс имплицит бўлар экан, буни биз олмошлар билан рамзий ифодалай оламиз. Бунда контекстдан, яъни феълнинг шахс-сонига асосан эганинғ ҳам шахс-сонини билиб оламиз:

1. Имплицит ҳолдаги агеңс гапларда II шахс бирликда бўлади. Тез учар самолёт ясаётиман (А.Қаххор). Ўқитувчилар хонасининг

эшигини очдим (Ў.Хошимов). Бу гаплардаги семантик агенс мен олмоши бўлиб у синтактик шакланмаган.

2. Имплицит ҳолатдаги агенс гапларда I шахс кўпликда бўлади. Мана бу михланган ёғочларни кўчириб ташлайлик. (П.Қодиров). Кеча туни билан селхона қазидик (Ҳ.Фулом). Бу гапларда агенс вазифасида кела олиши мумкин бўлган сўз биз олмошидир.

3. Имплицит ҳолдаги агенс гапларда 2 шахс бирликда бўлади. Новдани ёшлиқда эггин эди. (Ў.Умарбеков). Хув кўлга бориб, балиқ овла (М.Ҳазраткулов). Бу гаплардаги агенс вазифасида имплицит сен олмоши англашилади. Бундай гаплар ҳамма вақт суҳбатдошга нисбатан айтилади. Шунинг учун агенс сен ёки сиз (ҳурмат маъносида) олмоши билан эмас, ундалма орқали ифодаланади. Масалан,

-Насриддин, эшакни суғориб кел (Латифалар).

-Афанди, шуни бўяб берсангиз (Латифалар).

Биринчи гапда сен эшакни суғориб кел, иккинчи гапдан эса сиз бўяб берсангиз деган мазмундаги предикатив муносабат англашилиб туради.

Кейинги гапдаги англашилган II шахс кўпликдаги сиз олмоши бирликда ҳурмат маъносини билдиради.

4. Имплицит ҳолатдаги агенс гапларда II шахс кўпликда бўлади. Қўрқманг пахтангизни экаверасиз (Ў.Усмонов). Ҳайкал ҳам курингиз бамисоли ҳаёл! (А.Орипов). Лой билан минг марта ювсангиз ҳам фойдаси йўқ (Ў.Хошимов). Бу гаплардаги феълнинг шахс сони агенсинг ҳам шахс-сонини кўрсатиб туради. Бу сиз олмошидир.

5. Имплицит ҳолатдаги агенс гапларда III шахс бирликда бўлади. Оёғига чарм кавуш кийиб обреза бет-кўлини ювди. (П.Қодиров). Ерни вақтида шудгорлади. (Ҳ.Фулом). Фақат мева билан даволайди (Ў.Умарбеков). Бу гаплардаги предикациядан кўриниб турибдики агенс у олмошидир.

6. Имплицит ҳолатдаги агенс гапларда III шахс кўпликда бўлади....ер ўчоқлар қазий бошладилар (М.Осим). Сел йўлига ғов ясадилар (Ҳ.Фулом). Бу гапларда агенс улар олмоши бўлиб у гапдаги предикациядан англашилади.

Биз агенс вазифасидаги сўзларни ўрганиб чиқар эканмиз, юмуш феълларининг семантик хусусиятлари бунда катта роль ўйнаганини кўрдик. Феълдаги “ижро” семаси туфайли ҳар доим агенс вазифасидаги сўзлар шахс ифодалашини кузатдик.

Юмуш феъллари агенсининг синтактик хусусияти унинг деярли доим эга вазифасида келишидир.

Хуллас, юмуш феъллари соф феъл вазифасида қўлланиб, деярли гапда кесим вазифасида келади. Бунда унинг агенси феъл маъно таркибидаги “ижро” семаси таъсирида ҳар доим шахс билдирувчи сўз бўлади. Агар агенс вазифасида шахсни билдирмайдиган сўз келган бўлса, агенс:

- 1) аллегорик образ бўлиши мумкин;
- 2) шахс фаолияти кўчирилган техника восита бўлиши мумкин;
- 3) шахс билдирувчи сўз тушиб қолиб, унинг маъноси кўчган сўз орқали нфодаланиши мумкин.

## ЮМУШ ФЕЪЛИ ТУРЛИ НИСБАТЛАРДА КЕЛГАНДА АГЕНСНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАСИ

Ўзбек тилидаги мураккаб категориялардан бири – бу нисбат категориясидир. Ўзбек тилидаги нисбат категориясини таърифлашда бошқа тиллардаги нисбат категорияси қонун-қоидаларга асосланган. Бу эса бир мунча чалкашликка олиб келган. Нисбат – бу феълнинг субъект ва объект билан муносабатидир. Демак, уни ўзбек тилининг гап қурилмаларини таҳлил қилиб, ички қонуниятлари асосида кўриб чиқиш керак. Ҳам товуш ўзгариши, ҳам сўз тузилиши ва маъносига эътибор бериш керак бўлади.

Биз ўрганаётган юмуш феъллари турли нисбатларда келишини кўрдик. Бу ҳолларда агентс ифодаловчи сўзларнинг вазифалари ҳам ўзгаради.

1. Юмуш феъллари ўзлик нисбатида келса, ўтимсиз феълга айланади. Яъни феълнинг субъекти (бажарувчиси) билан объекти (ўтувчиси) ўртасида қуйидаги ҳолатни кузатамиз. Феъл ўзлик нисбатида ўтимсизлашади. Ўрганаётганимиз юмуш феъллари доимо ўтимли бўлиб, унинг агентс актанти ҳам, объект актанти ҳам бор. Аммо у ўзлик нисбатида келганда, худди ҳолат феълларига ўхшаб қолади, яъни агентс актантининг ўзи объект вазифасини ҳам бажаради. Иш ҳаракат бажарувчиси айни пайтда ҳаракатнинг ўтувчиси ҳам бўлиб келади<sup>16</sup>.

Демак, ўтимсиз феъллар билан ўзлик нисбатидаги юмуш феълларининг агентс ва объекти битта сўзда кесишади.

Мисоллар: Азиз шунча ўраниб олса ҳам, ётган ўрни исимасди (Ў.Усмонов). Рўпарадаги уйдан яхши кийинган аёллар қўлларида идишлари билан қозон бошига қатнаб турибдилар (П.Турсун). Бу гапларда **ўранмоқ** ва **кийинмоқ** феълларининг агентси ҳам, объекти ҳам битта, биринчи гапда Азиз, иккинчи гапда аёллар сўзларидир. Яъни Азиз ўради, ишни бажарди ўрагани бошқа бир жисм эмас, балки ўзи. Ҳаракат яна Азизга қайтпти. Ўзлик нисбатининг энг асосий хусусияти ҳам ана шунда.

2. Юмуш феъллари мажхуллик нисбатида келганда, қандай ўзгаришлар содир бўлади? Ўзлик ва мажхуллик нисбатининг кўшимчалари бир хил -н -л. Булардан -н аффикси ноказатив феълларга кўшилса, ўзлик нисбати, каузатив феълларга кўшилса мажхуллик нисбати ҳосил бўлади<sup>12</sup>. Мажхуллик нисбатидаги феълнинг агентси одатда имплицит бўлиб, уни контекстдан ҳам

англаш қийин. Агар биз уни контекстдан келтириб чиқарсак ҳам, у эга вазифасида бўлмайди, воситали тўлдирувчи вазифасида бўлиши мумкин. Мажхул нисбатдаги феъл маъносига эътибор берсак, иш-ҳаракат умуман бажарилганлиги ҳақида маълум қилинади, аммо унинг бажарувчиси мавхум қолади. Масалан, ўзлик нисбатидаги феълнинг шахс-сони англашилиб туради, мажхул нисбатда эса феълнинг шахс-сони номаълум бўлади. Шунинг учун имплицит ҳам дейиш қийин. Чунки агеңси имплицит гапларнинг феъли қайси шахс-сонда бўлса, келтириб чиқариб, агеңсини олмош билан ифодалаш мумкин. Мажхул нисбатдаги феълларнинг агеңсини топиш мураккаб жараёндир. Масалан: Баъзи ерларга чигит икки марталаб экилди. (Ў.Умарбеков). Бу гаплардаги феъл маълум касб-корга оид ҳаракатни билдиргани туфайли феълнинг маъносидан келиб чиқиб, экиш ҳаракатининг бажарувчиси **деҳқонлар** дейиш мумкин. Бу гап **чигит деҳқонлар томонидан экилди**, шаклида берилиши ва агеңс гапда воситали тўлдирувчи бўлиши мумкин эди. Гапнинг эгаси эса **чигит**, яъни объект актантидир.

Яна мисолларга мурожаат қиламиз, Шуларнинг тагига жой тайёрланди. (Ў.Умарбеков) Берунийнинг сўзлари оловга сепилган сувдек таъсир кўрсатади (М.Осим). Уйда нон ёпилмаганидек, бозордан ҳам сотиб олинмас эди (А.Қодирий). Бу гапларда мажхул нисбатдаги **тайёрламоқ, сепмоқ, ёпмоқ** феълларининг агеңсини топиш қийин, у жуда мавхумлашиб кетган. Таҳминан **ёшлар томонидан, унинг орқали, Нигор оймнинг кўли билан** тарзида бериш мумкин. Бу гапларда ҳам агеңс воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Гапларнинг эгаси жой, нон бўлиб, улар феълнинг объект ифодаловчиларидир. Иккинчи гапдаги юмуш феъли (сепмоқ) гапда аниқловчи вазифасида келган, шунинг учун гапнинг эгаси унинг валентлик ифодаловчиларидан эмас.

Бир мисолда агеңс куйидагича ўз ифодасини топган... айниқса сенинг кўлинг билан тугилган мантилардан жуда мамнун бўлдим, Раъно! (А.Қодирий). Бу гапда мажхул нисбатдаги **тугмоқ** феълнинг агеңси **Раъно** гапда ундалма бўлиб қолган. Яна туғиш жараёнининг бажарувчисини билдирган **кўлинг билан** бирикмаси ҳам берилган. Бу бирикма гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келган. Фикрни бу кўринишда ифодалаш нутқда жуда кўп учрайди. Ушбу мисол мажхул нисбатдаги феълнинг агеңси гапда қандай ифодаланиши мумкинлигини кўрсатади.



3. Юмуш феъллари орттирма нисбатда келса, агенс ифодаловчиси шахс билдирувчи сўз бўлади. Юмуш феълларининг ўзига хос хусусияти – маъносидаги “ижро” семасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, агенс актанти иккиланган шахс – бажарувчи ва бажаришга ундовчидан иборат бўлади. Бажарувчи, иш-ҳаракатни содир этувчи шахс – пациенс; бажаришга ундовчи эса шу ишни буюрган, илтимос қилган, йўл қўйган шахс – агенсдир. Баъзан ҳар иккала шахс ҳам гапда реаллашади, баъзан эса йўқ. Кўпинча гапда фақат бажаришга ундовчи – агенс реаллашган бўлиб, гапда эга вазифасида келади. Мисоллар: Ўша ўзи келиб тиллақош ясаптириб кетди (Ў.Умарбеков). Буни Полвонов билиб қолиб арзон-гаровга сотиб олган, одам юбориб ўрдириб келган эди (Ў.Умарбеков). Ҳар ҳафтада бир-икки мартаба қовоқ сомса ёптирмай қўймас эди (А.Қодирий). Бу гапларда орттирма нисбатдаги **ясамоқ**, **ўрмоқ**, **ёпмоқ** феълларининг агенси ўзи, Полвонов сўзлари бўлиб (учинчи мисолда агенс имплицит), гапда эга вазифасида келган ҳаракатга ундовчидир. Иш-ҳаракатни бажарувчи фақат бир гапда ўз ифодасини топган, яъни иккинчи гапдаги одам юбориб сўз бирикмасига эътибор беринг. Шу одам сўзи иш-ҳаракатни бажарувчи – пациенс бўлиб, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган. Бу гапларда агенс, яъни бажаришга ундовчининг 2-планга ўтиши юмуш феълларининг маъно тузилишидан келиб чиқади. Юмуш феълларининг маъно тузилишидаги “ижро” узви иш-ҳаракат бажарилишида бажаришга ундовчидан кўра бажарувчининг фаоллигини оширади. Шунинг учун ҳар бир мисолимизда кечим-натижа биринчи планда бўлиб, сабаб кечими иккинчи планга ўтади, яъни 1-субъект ҳаракатни бажаришга ундовчи бўлиб қолади, ҳаракатни эса 2-субъект бажаради. У гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Масалан: Мен Найманчани буздириб ташлардим (Ў.Умарбеков). Бу гапда Мен – агенс ифодаловчиси, аммо иш-ҳаракатни бажармайди, фақат шу ишни буюради, кимдир уни бажаради. Бу ҳолат орттирма нисбатли феъллардаги дистант-каузация деб аталади.

4. Юмуш феълларининг биргалик нисбатида келиши ҳам кўп учрайди. Биргалик нисбатидаги ўтимли феъллар бисубъектли бўлиб, бири иккинчисига кўмаклашганлик маъносини беради. Ўтимли феълларда бисубъектлик аввалги ҳодиса бўлиб, поли-субъектлик кейинги келиб чиққан ҳодиса сифатида қаралиши керак.

Маслан, ... қолган ўлжаларни шогирди билан баробар бўлишди. (Х.Фулом). Бу гапдаги бўлишди феълнинг агенс имплицит у маъносида бўлиб гапда эга вазифасида келган. Яна шу гапда шогирди билан бирикмасидаги билан бу ерда кўпроқ боғловчи вазифасида келган. Иш-ҳаракат бажарувчилари шогирд ва у сўзлари бўлиб, улар иш-ҳаракатни навбатма-навбат бажаришгани, бир-бирига кўмаклашгани англашилиб турибди. Маъна шу маънодан келиб чиқиб, биргаликда бажариш, кўпчилик бажариши маънолари вужудга келган. Эндиликда жуда кўп мисолларда шу – кейинги маънони кўрамиз. Баъзи жойларда тўрт-беш марталаб чигит экишди азаматлар (Ў.Усмонов). Қолгалар чўлга кетадиган юкларни аравага ортишди. (Х.Фулом). Колхознинг бир вагон тахтаси бор, хар кўрганимда юрагим эзилиб кетади, нотўғри тахлашган. (А.Қаҳҳор). Бу гапларда биргалик нисбатидаги эмок, ортмок, тахламок феълларининг агенс азаматлар, қолганлар, улар (имплицит) шахс билдирувчи сўзлар бўлиб, гапда эга вазифасида келган. Демак юмуш феъллари биргалик нисбатида келса, агенс ифодаловчиси икки ва ундан ортиқ шахс маъносини билдиради.


Хуллас, юмуш феъллари биргалик нисбатда келса, агенс эга вазифасида бўлади.

Юмуш феъллари ўзлик нисбатида бўлса, гапда агенс ва объект битта сўзда кесишади, эга вазифасида келади.

Юмуш феъллари мажхул нисбатда қўлланса, агенс қайд этилмайди ва мантиқан мавҳумлигича қолади. Баъзан агенс гапда мавжуд бўлиши мумкин, бунда у воситали тўлдирувчи вазифасида бўлади.

Юмуш феъллари орттирма нисбатда келса феълда икки шахслилик юзага келиб, бажаришга ундовчи – агенс ва бажарувчи – пациенс мавжуд бўлади. Гапда икки кечимлилик кузатилади. Агенс гапда эга, пациенс воситали тўлдирувчи бўлади.

Юмуш феъллари биргалик нисбатда келса, бисуBJECTлилик бўлади. Ҳар иккала бажарувчи ҳам бир хил эга вазифасини бажаради.



## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ФОРМАЛАРДА КЕЛГАНДА АГЕНСНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАСИ

Юмуш феъллари турли функционал шаклларда келар экан. агенс ифодаловчиларининг вазифаси ҳам ўзгариб кетиши мумкин. У предикатив қўшилмада субъект вазифасида ҳам, шу билан бирга бошқа бирикмалар таркибида бошқа синтактик вазифаларда ҳам келганлиги кузатилади. Феъл сифатдош, равишдош ёки ҳаракат номи шаклларида келганда, агенси ҳеч вақт бир хил синтактик вазифада бўлмайди. Хатто у бир вазифа шаклида бўлса ҳам агенс ифодаловчиси турли синтактик вазифада келиши кузатилади. Шунинг учун ҳам юмуш феълларининг турли вазифа шаклларида келишини алоҳида ва ўз ўрни билан таҳлил этишга тўғри келади:

1. Юмуш феъллари сифатдош шаклида келганда белгини билдиради ва гапда аниқловчи вазифасида келади. Агенс ифодаловчиси эса аниқланмиш вазифасида бўлади. Аниқланмиш вазифасидаги сўз анча эркин бўлиб, гапда эга, тўлдирувчи ёки қаратқич аниқловчи бўлиши мумкин. Юмуш феъли бу гапда кесим вазифасида келмайди. Гапдаги предикациянинг марказида бошқа кесим туради. Биз ўрганаётган сифатдош шаклидаги юмуш феълнинг агенси ушбу кесимга нисбатан турлича алоқада бўлиши мумкин.

Агенс ифодаловчисининг гапда эга вазифасида келишини кўриб чиқайлик.

....ер юзини ифлос нарсалардан тозалайдиган одамлар бор (Ў.Ҳошимов). Бу гап да сифатдош шаклидаги *тозаламоқ* феълнинг агенси вазифасида *одамлар* сўзи келган.

Сифатдош шаклида кўрганимиз тозаламоқ феъли белгини билдиради. Шунинг учун унинг маъносидagi “ижро” семаси бир оз орқа планга ўтади. Дарҳақиқат, иш бажарилган, бажарилган ишнинг натижаси белги сифатида берилган.

Сифатловчи-сифатланмиш муносабатидаги сифатланмиш агенс бўлса, у турли вазифаларда келиши мумкин. Маслан, ...ўт юлиб юрган бир боланинг ёнига бориб (Х.Тўхтабоев). Бу гапда *юлмоқ* феълнинг агенси *бола* гапда қаратқич аниқловчиси вазифасида келган.

Баъзан сифатдош шаклидаги феълларнинг аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш вазифасида агенс ифо-

даловчисини эмас, объектни учратамиз. Маслан: Биз шунча йилдан бери ҳаракат қилиб қурган посёлкамиз битди. (Ў.Умарбеков). Мен туккан мантилар қалай экан (А.Қодирий). Худди Ҳафиза тайёрлайдиган мантиларнинг ўзи (Ў.Умарбеков). Бу гапларда *қурган, туккан, тайёрлайдиган* каби сифатдошлар аниқловчи вазифасида келган бўлиб, уларнинг аниқланмиши вазифасидаги *посёлкамиз, мантилар, манти* сўзлари одатдагидек агенс эмас, объект ифодаловчиларидир. Сифатдош шаклидаги юмуш феъллари эса ёйиқ аниқловчи ҳолида иккиламчи предикациянинг предикати вазифасида келган. Уларнинг агенси ўша иккиламчи предикациянинг субъекти *биз, мен, Ҳафиза* сўзларидир. Бу сўзлар гапнинг эгаси эмас. Биринчи ва иккинчи гапда эга юмуш феълларининг объект ифодаловчилари бўлиб, охири гапда эга имплицит (кўрсатиш олмоши маъносини беради). Бу гапдаги юмуш феълнинг объект ифодаловчиси эса от-кесмнинг қаратқич аниқловчиси вазифасида келган.

Сифатдош шаклидаги юмуш феъллари аниқловчи вазифасида келар экан, аниқланмиш вазифасида объект актанти бўлиши фақат ўтимли феълларгагина хосдир.

Бу кўринишлар нисбий ҳол бўлиб, агар гапнинг маъносига кўра агенс гапда юмуш феъли сифатдоши билан аниқловчи-аниқланмиш қурилмасида келса, уларнинг ўрнини алмаштириш мумкин бўлади, яъни *тозалайдиган одамлар - одамлар тозалайдиган ёки осган Ориф - Ориф осган* каби.

Лекин аниқланмиш объект ифодаловчиси бўлса, уларни сира алмаштириб бўлмайди. Бу ҳам ўзига хос тил қонуниятидир. Қиёсланг: *қурган посёлкамиз -посёлкамиз қурган*.

Юмуш феълларининг мажхул нисбатдаги сифатдоши иштирок этган гапда агенс вазифасидаги сўз ўз ифодасини топмайди. Аниқловчи-аниқланмиш муносабатидаги аниқланмиш юмуш феълларининг объект ифодаловчиси бўлади. Масалан: Азиз яқиндагина қиртишлаб ўрилган, лекин ҳашаги ҳали йиғиб улгурилмаган бедазор уватидан аста-секин пастлаб бораркан (Ў.Усмонов). Берунийнинг сўзлари оловга сепилган сувдек таъсир кўрсатди (М.Осим). Бу гапларда агенс имплицит ҳолатда. Аммо мажхул нисбатдаги мисоллардан бирида у гапда ўз ифодасини топган. Бунда у ундалма бўлиб келган атоқли отдир:

...сенинг қўлларинг билан тугилган мантилардан жуда мамнунман, Раъно! (А.Қодирий). Бу гапда *тугилган* сифатдош

шаклидаги феълнинг агенси вазифасида *Раъно* атоқли оти келган. У гапда ундалма сифатида қўлланган.

Агенси вазифасидаги сўзлар ҳақида гапирганимизда, улар доимо шахс маъносини билдиришини айтиб ўтган эдик. Аммо баъзан маъно кўчиши ёки образли ифодалаш туфайли агенси вазифасидаги сўз турдош от бўлиши мумкинлигини кўргандик. Шундай ҳол сифатдош формасидаги юмуш феълларида ҳам учради. Масалан, Сизларда ҳалиги эшик, ром ясайдиган устахоналар ҳам борми? (Х.Тўхтабоев). Бу гапда ясамоқ феълнинг агенси ифодоловчиси *устахона* сўзидир. Бу сўз *усталар устахонаси* сўз бирикмасининг алоқадорликка асосан ихчамлашган шаклидир.

Сифатдош шаклидаги феъллар баъзан отлашади. Бунда агенси ҳам уларнинг ўзи бўлади. Масалан: Эрта-индин ўлиб кетсам тепкилаб кўмадиганимдан айрилиб қолдим айланай (Ў.Хошимов). Эргашевнинг тобутини кўтарганлар орасида у ҳам бор (Ў.Хошимов). Бахмалбоф маҳалла-духоба тўқийдиганлар маҳалласи (А.Қодирий).

Бу гапларда *кўмадиган*, *кўтарган*, *тўқийдиган* сифатдош шаклидаги юмуш феълларининг агенси вазифасидаги сўзлар тушиб қолган, бу сўзларнинг маъноси ҳам уларнинг аниқловчиси (сифатдош шаклидаги юмуш феъллари)га юкланган.

Отлашиш жараёнида сифатдош шаклидаги юмуш феъллари мавҳум ҳолатни яна ҳам аниқроғи ҳаракат номини билдириши мумкин. Бундай гапларда агенси ўз ифодасини топган бўлса у қаратқич аниқловчиси вазифасида келади. Масалан: Нигор оймнинг бир ойсиз кир ювганини кўрса ғавғо соларди (А.Қодирий). ..муштумзўрлар мол-мулкни яширётганини, отуловини сўяётганини айтиб, бу ишни тезроқ ўтказишни талаб қилади (А.Қаҳҳор). Бу гапларда *ювмоқ*, *сўймоқ* феълларининг агенси қаратқич келишигидаги *Нигор ойим* ва *муштумзўрлар* сўзларидир.

2. Равишдош шаклидаги юмуш феълларида агенси ифодоловчисининг вазифалари ўзгармайди, яъни эга ва кесим қурилмасидагидек бўлади. Фақат феъл бу формада ҳол вазифасида келади. Масалан: Энди сизларга ҳеч ким тош отиб шохингизни синдирмайди, танангизга мих қоқиб озор бермайди! (Х.Тўхтабоев). Ҳар ҳафтада бир икки мартаба қовоқ сомса ёпдирмай қолмас эди (А.Қодирий). Афанди қаҳратон қиш куни ўтин тергани чиққан эди (Латифалар). Бу гапларда *қоқмоқ*, *ёпмоқ*, *термоқ* феълларининг

агенс вазифасида *ҳеч ким, Афанди* сўзлари келган. Иккинчи гапда эга имплицит. Кесимнинг шахс-сонига кўра агенс ифодаловчиси у олмоши маъносини англатади. Ҳар учала ҳолда ҳам агенс эга вазифасида келган.

3. Ҳаракат номи шаклидаги юмуш феъллари гапда турли вазифаларда келади. Шунга яраша унинг агенс вазифасидаги сўз ҳам турлича ифода топиши мумкин:

1) юмуш феъли ҳаракат номи шаклидаги кесим вазифасида келса, унинг агенс бўлмайди. Бунда шахси топилмайдиган гап тузилиши кузатилади.

Маъносига эътибор берсак, потенциал агенс вазифасида шахс билдирувчи сўз бўлиши мумкинлиги англашилиб туради. Маслан: Эчки боқиш керак (Ў.Умарбеков). Кейинчалик ёнига кичкина бир консерва заводи қуриш мумкин (Ў.Умарбеков). Селхона қозиш керак (Х.Ғулом).

2) ҳаракат номининг эга вазифасида келиши билан отлашиш жараёни янада аниқ намоён бўлади. Бунда агенс умуман кўринмайди. Чунки феъл маълум бир ҳаракат кечими сифатида эмас, ўша кечимнинг номи сифатида реаллашади. Шунинг учун унинг бажарувчиси ҳатто имплицит ҳолатда ҳам англашилмайди. Бунда кимдир томонидан бажариш эмас, умуман ўша бажариш жараёнининг номи англашилиб туради. Масалан: Соатни бураш эсимдан чиқмайди (А.Қаҳҳор). Ҳовлини супуриш, идиш-товоқларни ювиш ўшанинг бўйнида (Ў.Ҳошимов).

Демак, ҳаракат номи формасидаги юмуш феъллари эга ёки кесим вазифасида келса, агенс вазифасидаги сўз бўлмайди. Бу ушбу сўзларнинг отлашган маъно узвларидан ҳам маълум. Йиғилган мисоллар ҳам шу фикримизни тасдиқлайди.

3) ҳаракат номи формасидаги юмуш феъллари тўлдирувчи вазифасида келса, агенс вазифасидаги сўз эга бўлиши кузатилади. Бу феълларнинг тўлдирувчи вазифасида маъно ҳаракатчанлиги ошишини кўрсатади. Кўсак чувишга сиз устасиз-ку! (А.Қаҳҳор). Норқўзи ер чопиб, гўнгни текислаш билан овора (Х.Ғулом). Ёш ҳаким кечгача малҳам суртиш билан овора бўлди (М.Осим). Бу гапларда *чувимоқ, текисламоқ, суртмоқ* феълларининг агенс ифодоловчилари *сиз, Норқўзи, ҳаким* сўзларидир. Улар гапда эга вазифасида келган. Ҳаракат номи шаклидаги юмуш феълларининг бажарувчисини юзага чиқариш учун ҳаракат номига жўналиш

келишиги қўшимчасини қўшиш ёки билан қўмакчисини қўллаш керак бўлади.

Юмуш феъллари феъл шаклларида қўлланганда агенс ифодаловчиларининг вазифаси ҳам, ифодаланиши ҳам ўзгариб кетишини мисолларда кўрдик.

Юмуш феъллари сифатдош шаклида бўлса, гапда аниқловчи вазифасини бажаради. Унинг агенси аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш сифатида гапда эга, тўлдирувчи, аниқловчи каби вазифаларда бўлиши мумкин. Агар аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш объект ифодаловчи бўлса, агенс эга вазифасини бажаради. Юмуш феъли мажхул нисбатдаги сифатдош бўлса, унинг агенси номаълум бўлади.

Юмуш феъллари равишдош шаклида бўлса, агенси эга вазифасида келиши кузатилади.

Юмуш феъли ҳаракат номи шаклидаги кесим бўлса, эгаси қайд этилмайди, мантиқан англашилади. Юмуш феъли ҳаракат номи шаклида эга вазифасида бўлса, агенс умуман кўринмайди ва англашилмайди ҳам. Чунки бунда феъл иш-ҳаракат номи шаклида тўлдирувчи вазифасида келса, агенс ифодаловчиси эга бўлади.

## Хулоса

Юмуш феълларининг агенс валентлиги таҳлил этилар экан, қуйидаги натижаларга келинди.

1. Юмуш феълларининг агенс валентлиги реаллашар экан, агенс актанти деярли гапнинг эгаси вазифасида қайд этилади. Бунинг учун юмуш феъли соф феъл формасида аниқлик нисбатида, биргалик нисбатида, ўзлик нисбатида ва равишдош вазифаси шаклида келиши керак.

2. Агенс эга вазифасида қўлланиши керак бўлгани ҳолда, нутқда қайд этилмаслиги ҳам мумкин. Бунда у гап мантиқидан англашилиб туради.

3. Юмуш феълнинг агенс актанти гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида ҳам келиши мумкин. Бунинг учун феъл сифатдош вазифаси шаклида келиб гапда аниқловчи бўлади. Аниқланмиш вазифасидаги агенс эса гапнинг тўлдирувчиси сифатида қўлланиши мумкин.

4. Юмуш феълнинг агенс актанти воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради. Бунинг учун феъл мажхул нисбатда келади.

5. Юмуш феълнинг агенс актанти қаратқич аниқловчиси вазифасида қўлланади. Бунинг учун юмуш феъли ҳаракат номи шаклида келиб қаратқич келишигидаги агенснинг қаралмиши вазифасида бўлади.

6. Юмуш феълларининг агенси от, сифат, сон, олмош, сифатдош шаклида ифодаланиши мумкин ва улар деярли доим шахсни билдиради. Айрим ҳолларда жониворлар ва турли нарсаларнинг номлари жонлантирилиб шахс маъносида қўлланиши мумкин.

## Контрагент

Ўзбек тилидаги юмуш феълларининг контрагент валентлиги ҳам мавжуд. Агресян феъл валентликларини санаганда, бу валентликка катта эътибор беради. Аммо Ўзбек тилидаги юмуш феъллари контрагентининг юзага чиқиши жуда кам кузатилади. Бу валентлик нутқ феълларида анча фаол бўлиб, у И.Қўчқортоев томонидан атрофлича тадқиқ этилган<sup>7</sup>. Контрагент нутқ феълларининг зарурий валентлиги бўлиб у ҳам нутқ фаолиятини юзага келтиради. Аммо контрагентнинг нутки мустақил эмас, агенсга жавобан юзага келади. Нутқ жараёнининг ўзи агенс билан бирга контрагент ифодаловчисини ҳам талаб қилади. Аммо юмуш феълларида контрагент у даражада фаол ҳолатда эмас. Биз йиққан мисолларда ҳам у жуда кам учрайди.

Контрагент гапдаги вазифасига кўра восита валентлигига жуда яқин туради. Восита валентлигининг ифодаловчиси феълдан англашилган ҳаракатнинг бажарилишида ёрдамчи буюмни билдиради. Контрагент актанти эса ёрдамчи шахсни билдириб феълдан англашилган ҳаракатда иштирок этади. Феълдан англашилган ҳаракатни агенс ҳам бажаради ва у асосий бажарувчи ҳисобланади. Контрагент унга кўмакчи, лекин эркин ҳаракат қилувчидир. Масалан: У Чўлбобо билан ишқомда ток очаётган бўлса керак (Х.Ғулом). Бу гапдаги **очмоқ** феълнинг контрагент ифодаловчиси **Чўлбобо** сўзидир. Контрагент ифодаловчиси шахс билдиради. Гапдаги агенс у сўзи бўлиб **Чўлбобо** шу у сўзида ифодаланган шахс қилаётган ишга ҳамкорлик қилади. Ушбу гапда контрагент ифодоловчиси атоқли от бўлиб, у гапда кесим вазифасини ўтовчи юмуш феълига **билан** кўмакчиси орқали боғланиб келган. Юмуш феълнинг контрагент актанти гапда қайд этилар экан, ўз ҳоким бўлаги (феъл) билан ҳамма вақт **билан**



кўмакчиси орқали боғланиб келади. Контрагент ҳамма вақт шахс билдирувчи сўзлардан иборат бўлиб у от, сон, олмош туркумлари орқали ифодаланади. Маслан: Ростини айтсам, шу тобда менинг ҳам ана шу болалар билан эгатларга ёнма-ён тушиб олиб мусобақалашиб кетмон чопгим келди (Х.Тўхтабоев). Қолган ўлжаларни шогирди билан баробар бўлишди (Ҳ.Ғулом). Бу гапларда *чопмоқ*, *бўлмоқ* юмуш феълларининг контрагент ифодаловчиси *болалар*, *шогирд* сўзларидир.

### Хулоса

1. Юмуш феълларининг контрагенти гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади.
2. Контрагент актанти гапда кесим вазифасида келган юмуш феъли билан ҳамма вақт *билан* кўмакчиси орқали боғланади.
3. Юмуш феълнинг контрагент актанти нутқда от, сон, олмош туркумларида ифодаланиб фақат шахс маъносини билдириб келади.
4. Юмуш феълнинг контрагенти нутқда жуда кам учрайди.

## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИДА ОБЪЕКТ ВАЛЕНТЛИГИ

Юмуш феълларининг барчаси ўтимлидир. Шунинг учун улар объект валентлигига эга бўлади. Ўтимли феъллар семантикаси (маъно тузилиши) тушум келишигидаги ҳаракат ўтувчи предметни ифода этган сўзни тақазо этади. Улар гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

Объект ифодаловчи сўзлар турли маъноларни ифодалайди. Юмуш феълларида ифодаланган ҳаракат маълум бир “жисмда қисман ёки тўлиқ ўзгариш” “ҳосил қилиш” дан иборатдир. Бу маъно тузилиши, албатта, объект ифодаловчисида ўз аксини топади.

Юмуш феълларининг объект ифодаловчилари турли маънода бўлиши мумкин ва ҳар хил сўз туркумларига оид бўлади.

Объект ифодаловчи сўзлар ҳаммадан кўп турдош отлар бўлиб, улар қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Шахсни билдирувчи турдош отлар. Масалан: Филлар ҳартуми билан отликларни ўраб олиб ерга урар, босиб ўлдиради (М.Осим). От қиз билан болаларни кўтарганча ҳавога учиб кетди (Ўзб.Х.О.И). Зафар уларга ёр бўлиб душманни орқага сура бошлади (М.Осим). Бу гапларда *отликлар*, *қиз*, *бола*, *душман* сўзлари *ўрамоқ*, *кўтармоқ*, *сурмоқ* феълларининг объект ифодаловчиларидир.

2. Жониворларни билдирувчи турдош отлар. Масалан: Хув кўлга бориб, балиқ овла (М.Хазратқулов). Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади (Х.Тўхтабоев). Отларни эгарлайми? (Х.Ғулом). Бу гаплардаги *овламоқ*, *соғмоқ*, *эгарламоқ* феълларининг объект ифодаловчилари *балиқ*, *сигир*, *от* сўзларидир.

3. Жонсиз предметларни билдирувчи турдош отлар. Масалан: Дадам гулдор шойи рўмолни опамга узатди (Ў.Ҳошимов). Туни билан ғўза суғорди (Х.Ғулом). Усмоновни кўриб шофёр йигит кабина чирогини ёқди ва орқа эшикни очиб қўйди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда *узатмоқ*, *суғормоқ*, *очмоқ* феълларининг объект ифодаловчиси *рўмол*, *ғўза*, *эшик* сўзларидир. Юмуш феъллари ўз маъносига кўра, албатта, объект валентлигига эга бўлар экан, унинг юзага чиқиши турган гапки бир хил маъно майдонига кирадиган сўзлардан иборат бўлмайди. Бу феъллар маъносининг мантикий бўлаклари билан объект ифодаловчиларининг маъноси узвий боғлиқ бўлади. Барча юмуш феълларининг умумлаштирувчи узви

“ижро” бўлар экан, улар объект валентлигини вужудга келтирувчи узвга кўра куйидаги гуруҳларга бўлинади.

1. *Очмоқ, ёзмоқ, ёпмоқ* юмуш феълларининг маъно тузилишини кўриб чиқайлик. *Очмоқ* феълнинг маъно тузилишини 'нарсани панадан чиқармоқ' тарзида бериш мумкин. *Ёзмоқ, ёймоқ* феъллари эса 'нарсани катта очмоқ' маъно тузилишига эга. Уларнинг маъно тузилишидаги умумий узв 'наrsa' дир. Худди шу 'наrsa' узвга кўра юмуш феъллари объект валенти ифодаловчилари билан ҳам мослашади, яъни *очмоқ, ёзмоқ, ёймоқ, ёпмоқ* феълларининг объект валентлиги 'наrsa' узвга эга бўлган маъноли сўзларни талаб қилади. Масалан: Анвар ўртага дастурхон ёзиб икки лаган манти кўйди (А.Қодирий). Чўл баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безалган яшил поёндозни ёйиб ташлади (М.Осим). Ер мўл, қанчадан-қанча ерлар очиш мумкин, сув етарли (Ў.Умарбеков). У Чолбобо билан ишқомда ток очаётган бўлса керак (Х.Ғулом). Бу гапларда *ёзмоқ, ёймоқ, очмоқ* феълларининг объект ифодаловчилари *дастурхон, поёндоз, ер, ток* каби 'наrsa' узвга эга бўлган сўзлардир. Бу сўзлардаги 'наrsa' узви феъл ва унинг объект ифодаловчисини боғловчи классемадир.

2. Сепмоқ, қуймоқ феълларининг маъноларидаги 'суюқлик' узви объект валентлигини юзага келтиради. Йиғилган мисолларда сепмоқ феълнинг объект ифодаловчиси сув, қуймоқ феълники эса сув ва чой сўзларидир. Масалан, Тракторчи шу ерга чолни ётқизиб, кўкрагига сув сепаетган эди (Ў.Умарбеков). Термосдан чой куйиб бераётиб:-Оббо, ўғлим-её...-деб кўйди. (Х.Тўхтабоев). Бу гапларда *сепмоқ, қуймоқ* феълларининг объект ифодаловчилари *сув ва чой* сўзларидир.

3. *Юкламоқ, кўтармоқ, ортмоқ, ташимоқ* феълларининг маъно тузилишидаги 'юк' узви уларнинг объект ифодаловчиларида ҳам ўз аксини топади, яъни сўз бирикмаси компонентларининг маънолари шу узвга кесишади. Йиғилган мисолларда ушбу феълларнинг объект ифодаловчилари куйидагилардир: *Қоп, чирок, юк, қақир-қуқир, тобут, кўч-кўрон, ажнос, жавоҳирот, этак, ўғит*. Масалан: Онасининг қақир-қуқирларини ортиб эрининг уйига келди (А.Қодирий). Туш кўрсам, онам чирок кўтариб юрганмиш (Ў.Хошим). Кўрғонларни ҳам туяларга юклаб жўнадилар (Ўзб.Х.О.И). Бу гаплардаги *ортмоқ, кўтармоқ, юкламоқ* феълларининг объект валентлиги *қақир-қуқир, чирок, кўрғон* сўзлари орқали ифодаланган.

4. **Кавламоқ, қазимоқ, чопмоқ** феъллари маъно тузилишидаги 'ерни ўймоқ' узви уларнинг объект валентлигини юзага келтиради. Объект ифодаловчилари 'ер' билан боғлиқ бўлган нарсаларни билдиради, фикримизни йиғилган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Бу феълларнинг объект ифодаловчилари қуйидаги сўзлардир. **Чуқур, молхона, канал, зовур, ўра, ўқарик, селхона, жарлик, ер, жой.** Масалан: Қош қорайгунча канал кавларди (Х.Фулом). Чолбобо анчагина чуқур қазиб қўйган (Х.Фулом). Сиз шу жарликни чопинг (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **кавламоқ, қазимоқ, чопмоқ** феълларининг объекти **канал, чуқур, жарлик** сўзлари орқали ифодаланган. Ушбу сўзларни феъл билан боғловчи классема 'ер' узвидир.

5. **Йиғмоқ, узмоқ, термоқ, ўрмоқ, юлмоқ** феълларининг маъно тузилишидаги 'экин' узви объект валентлигини юзага келтиради. Шу классемада ҳар иккала маъно тузилиши мослашади. Йиғилган карточкаларни кўздан кечирсак, қуйидаги сўзлар юмуш феълларининг объект ифодаловчиси бўлганини кўрамиз: **мева, пахта, дарахт, чигит, тарвуз, бедазор, ўт, қамиш, ғўза.** Мисоллар: Ана шу кўриб турганингиз ўн гектар ердаги ғўзани олтовимиз экканмиз (Х.Тўхтабоев). 0.8 процент пахтани октабрда ярим кунда териб топширса бўлади (Х.Фулом). Тўқай қамишини комбинат ўриб кетадиган бўлди (Х.Фулом). Бу гапларда **ғўза, пахта, қамиш** сўзлари **экмоқ, термоқ, ўрмоқ** феълларининг объект ифодаловчисидир. **Термоқ** феъли кўп маъноли бўлганлигидан кўчма маъносидаги узвлари билан ҳам мослашувчи объект ифодаловчиларига эга эканлигини кўрдик. Ғишт, ўтин, рақам, стол-стул каби. Масалан, Тушган чўғларни кўрага терди (Х.Фулом). Телефон рақамларини тера бошлади (Ў.Усмонов). Бу гапларда чўғ, рақам сўзлари **термоқ** феълнинг объект ифодаловчиларидир. Уларнинг классемаси **термоқ** феълнинг кўчма маъно тузилишидаги узв билан мослашади.

6. **Қаламоқ, ёкмоқ, ўчирмоқ** феълларининг маъно тузилишида 'олов' узви мавжуд. Ушбу узв феъл ва объект ифодаловчиларининг маъноларини туташтирувчи классема ҳисобланади. Мисоллардаги объект ифодаловчи сўзларни кўриб чиқайлик: **қамиш, олов, ўт, шам, кийим.** Масалан: Афанди ўчоққа ўт ёқишга кўп уринди (Латифалар). Мана энди Мирзачўлда қамиш ёқиб, шўр ялаб ўтиргандир (А.Қаҳҳор). Чап тарафингизда гугурт бор, олиб шамни ёқиб юборинг (Латифалар). Бу гапларда **ўт, қамиш, шам** сўзлари

ёқмоқ феълнинг объект ифодаловчисидир, уларнинг маъноларини туташтирувчи классема 'олов' узвидир.

7. **Курмоқ, солмоқ** феъллари маъно тузилишида 'бино, жой' узви мавжуд. Ушбу узв уларнинг объект ифодаловчилари маъносида ҳам бор бўлиб, буни йиғилган мисолларда кўриш мумкин. Бу феълларнинг объект ифодаловчилари куйидаги сўзлардир: **чодир, кўрғон, теплица, уй, отхона, санаторий, боғча, завод, совхоз, шийпон, кўшк, иморат, масжид, мадраса**. Масалан: Бир кунмас бир кун у албатта ўзи янги уй куради (Ў.Умарбеков). Ростмана шийпон курамиз (Х.Ғулом). Амаким ҳовлига янги иморат солди. Бу гапларда **курмоқ, солмоқ** феълларининг объект ифодаловчилари **уй, шийпон, иморат** сўзларидир.

8. **Ясамоқ, яратмоқ** феълларининг маъно тузилишида 'янги жисм' узви мавжуд бўлиб, бу узв унинг объект ифодаловчиларида ҳам бор куйидаги сўзлардир: **глобус, самолёт, кўрғон, дастурхон, эшик, ром, ғов, кулча, варрак**. Масалан: Бодом тагида ўтириб варрак ясашга тушдим (Ў.Ҳошимов). Сиз подшо кўрғонининг рўпарасида бир кўрғон ясангки, ўзи мисдан бўлсин (Ўзб. Х .О. И). Ўша ўзи келиб тиллақош ясаптириб кетди (Ў.Умарбеков). Бу гаплардаги **варрак, кўрғон, тиллақош** сўзлари **ясамоқ** феълнинг объект ифодаловчисидир.

9. **Пиширмоқ, сузмоқ, димламоқ, қовурмоқ, туғмоқ, тўғрамоқ, қайнатмоқ, дудламоқ** феъллари маъно тузилишидаги 'емак' узви унинг объект ифодаловчилари маъно тузилишида ҳам мавжуд бўлган классемадир. Мисолларни кўриб чиқсак шу фикримиз тасдиқланади. **Ош, овқат, чучвара, гўшт, балиқ, тухум, манти** каби сўзлар ушбу феълларнинг объект ифодаловчиси бўлиб келган. Масалан: Зумрад биби ош сузишга лаган юва бошлади (Х.Ғулом). У овқат сузгани ошхонага ўтди (М.Ҳазраткулов). Гўштни онангга тўғраб бер (А.Қодирий). Бу гапларда **сузмоқ, тўғрамоқ** феълларнинг объект ифодаловчиси **ош, овқат, гўшт** сўзларидир.

10. **Супурмоқ** феълнинг маъно тузилиши 'саҳн юзасини' 'кераксиз нарсалардан' 'тозалаш' узвларидан иборат. Аслида туташтирувчи узв 'кераксиз нарса'. Сўзлашувда туташтирувчи классемали маънога эга бўлган сўз кўпинча тушиб қолади, яъни атрофдаги ахлатни **супуриб**, ҳовлидаги қорни **супуриш** каби эмас, **атрофни супурмоқ, ҳовлини супурмоқ** кўринишида бўлади. Бу кўринишда юмуш феъли билан объект ифодаловчисини

туташтирувчи классема уларнинг маъно тузилишидаги 'сахн' узви бўлади. Масалан: Мактабда ҳуснихат машқ қилиб ўтирувчи болалар ичидан иккитасини гулзорни супуриб, сув сепишга буюрди (А.Қодирий). Бориб аркони давлатнинг дарвозасини супура бошлади (Ўзб.Х.И.О). Бу гапларда **гулзор**, **дарвозахона** каби 'сахн' маъносидаги сўзлар **супурмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси бўлиб келган. Баъзан эса **супурмоқ**, феълнинг объект ифодаловчиси унинг ҳақиқий объекти маъносидаги 'наrsa' узви билан мослашувчи маънога эга бўлган сўзлар бўлади. Масалан: Ўн саккиз яшар қизи айвонда қор супурар эди (Латифалар). Бу гапда **супурмоқ** феълнинг объект ифодоловчиси **қор** сўзидир. Супурмоқ феъли билан қор сўзининг классемаси 'наrsa' узвидир.

11. **Ювмоқ**, **чаймоқ** феълларининг маъносида 'сув билан' 'нарсани' ёки 'сахнни тозаламоқ' узвлари бўлиб, 'наrsa' ва 'сахн' маъносидаги сўзлар уларнинг объект ифодаловчилари бўлиб қолади. Лекин 'сув билан' узви ҳал қилувчи ўрин эгаллайди, яъни албатта сув билан тозаланадиган нарсаларгина уларнинг объект ифодаловчиси бўлиши мумкин. **Қозон-товоқ**, **яктак**, **қўй калласи**, **кир**, **идиш-товоқ**, **ер**, **шўр**, **мотоцикл** сўзлари **ювмоқ** сўзининг объект ифодаловчиси бўлиши мумкин. Масалан: Бир ой тўлмасдан кир ювишга руҳсат бермас эди (А.Қодирий). Афанди ариқ бўйида ўтириб, қўйнинг калласини ювар эди (Латифалар). Бу гапларда **кир**, **қўй калласи** кабилар **ювмоқ** сўзининг объект ифодоловчиларидир.

12. **Суғормоқ** феълда ҳам 'сув' узви ҳал қилувчи ҳисобланади. Шу билан бирга феълнинг маъно тузилишидаги бошқа узвлари билан ҳам объект ифодаловчисининг маъноси мослашиб келади. 'Экин'га ва 'жонивор'ларга 'сув бермоқ' **суғормоқ** феълнинг маъно тузилиши бўлса 'экинга' 'жониворларга' узвлари феъл ва объект ифодаловчиларини туташтирувчи классемадир. Масалан: Туни билан **ғўза** суғордим (Х.Ғулом). Бултур баҳорда эшигимиз олдидаги гулларни суғорётган эдим (Ў.Ҳошимов). Анҳорда қўй-эчкиларни суғорди. Бу гапларда **суғормоқ** феълнинг объект ифодаловчилари **ғўза**, **гуллар** **қўй-эчки** сўзларидир. Бошқа мисолларда **суғормоқ** феълнинг объект ифодаловчилари **пахта**, **от**, **эшак** каби сўзлар бўлган.

13. **Соғмоқ** феълнинг маъно тузилишидаги 'сут олиш' узви сут эмизувчи ҳайвонларни билдирувчи, яъни **сигир**, **туя**, **бия**, **қўй**, **эчки** каби сўзларни тақазо этади. Йиғилган мисолларда **соғмоқ** сўзининг объект ифодаловчиси кўпинча **сигир** сўзи бўлган.

Масалан: Зумрад биби бостирмада сигир соғапти (Ҳ.Ғулом). Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади (Ў.Ҳошимов). Ойим чўнкайиб ўтириб эчки соғаётган экан (Ў.Ҳошимов).

14. **Бўғизламоқ, сўймоқ** феъллари ҳам 'жонивор' узвига эга. Шу узв уларни объект ифодаловчилари билан боғловчи классемадир. Шунинг учун бу феълларнинг объект ифодаловчилари **от-улов, жонивор, кўчқор, қўй, эчки** сўзларидир. Масалан, Муштумзўрлар мол-мулкини яшираётганини от-уловни сўяётганини (А.Қаҳқор). Агар шаҳаншоҳ бизга меҳмон бўлиб келса яхшилаб зиёфат киламиз, оёғига қирқ кўчқор сўямиз (М.Осим). Бу гапларда сўймоқ феълнинг объект ифодаловчиси 'жонивор' классемасига эга бўлган **от-улов, кўчқор** сўзларидир.

15. **Кесмоқ, қирқмоқ, арраламоқ** феъллари 'бўлакка ажратмоқ' узвига кўра умумлашади. Бу феъллар восита қурол валентлигига кўра фарқланади. Объект ифодаловчиси ҳам шунга яраша бўлади, яъни кесмоқ – 'пичоқ билан, болта билан' бўлинадиган, қирқмоқ – 'қайчи билан' бўлинадиган, арраламоқ – 'арра билан' бўлинадиган нарсаларни билдирувчи сўзлар билан реаллашади. Шунга кўра кесмоқ феълнинг объект ифодаловчиси **ток, ўқнинг учи, атлас, арраламоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **ёғоч, ўтин** сўзларидир. Масалан: Ясоққа етказиш – халойиқ олдида бошини кесиш деган гап эди (П.Қодиров). Ўқнинг учи чиқиб қолганда, унинг пат ёпиштирилган учини қирқиб ташлаб, суғуриб олиш кийин эмасди (М.Осим). Йигитларнинг мақсади кўприкнинг икки томонида турган ўқ ёғочларни арралаб, уни бир икки жойидан узиб ташлаш эди (П.Қодиров). Бу гапларда кесмоқ феълнинг объект ифодаловчиси **бош, қирқмоқ** феъллиники **ўқнинг учи, арраламоқ** феъллиники эса **ўқ ёғоч** сўзларидир.

16. **Қормоқ** феълнинг маъно тузилишида 'кукун массани'. 'аралаштириб', 'куюк масса', 'ҳосил қилмоқ' узвлари бор. Шу 'куюк масса' аксарият **хамир** сўзи бўлиб, баъзан у **керт** ёки **цемент** каби аралаштириб ҳосил қилинадиган нарсалар ҳам бўлиши мумкин. Масалан: Зумрад биби айвонда супра ёзиб хамир қорарди (Ҳ.Ғулом). Феруза қўлининг хамирини унга қориб тушириб, уйга кириб кетди (Ҳ.Ғулом). У молларга керт қориб берди. Бу гапларда қормоқ феълнинг объект ифодаловчилари **хамир** ва **керт** сўзларидир.

17. **Ўрамоқ, боғламоқ** феълларининг маъно тузилишида 'гир айлантриб' 'ёпмоқ' 'нарса айлантриб маҳкамламоқ' узвлари бор. Объект ифодаловчиларининг маъноси ҳам шу маъно узвларига мос келади. 'Айлантрирадиган нарса' узвий ушбу феълларнинг объект ифодаловчиси билан кесишувчи кассема ҳисобланади. **Ўрамоқ, боғламоқ** феълларининг объект ифодаловчилари куйидаги сўзлардир: **Салла, мен, тақинчоқ, отлиқ, камар, от, мен оғзи, рўмол каби**. Масалан: Артиниб бўлиб, қимматбаҳо шойи тўнини кийди, салласини ўраб саройга жўнади (М.Осим). Шохимиз сафар камарини белига боғлади (М.Осим). Чопар сакраб эгардан тушди-ю, отини қозикқа боғлади (М.Осим). Бу гапларда **ўрамоқ, боғламоқ** феълларининг объект ифодаловчиси **салла, мен, камар, от** сўзларидир.

Чуқурроқ таҳлил қиладиган бўлсак, ушбу мисоллардаги **салла** ва **камар** сўзлари ўровчи, боғловчи воситалар бўлиб, худди нариги мисоллардаги **кўрпага мени ўради, отни арқон билан боғлади** каби бўлиши керак эди. Аммо бу мисолларда **салла** ва **камар** актив ҳаракатланувчи сифатида олдинги планга ўтган ва объект сифатида берилган. Ҳақиқатан, ҳаракат ўша айланаётган **салла** ва **камарга ўтади** ҳамда улар объект ифодаловчисига айланади. Солиштиринг, **саллани бошга ўради билан мени кўрпага ўради** гаплари орасида катта фарқ бор. Мени ўради бўлса, кўрпа восита мен олдинги планга ўтади. Саллани бошга ўради деганда эса ҳаракатдан мақсад саллани бошга ўраб кўндириб кўйиш. Саллани айлантриш олдинги планга ўтади.

18. **Қоқмоқ** феълнинг маъно тузилишидаги 'уриб туширмоқ' ёки 'уриб кирғизмоқ' узвлари объект ифодаловчиларида ҳам ўз аксини топади. Мисолларни кўриб чиқсак, ушбу феълнинг объект ифодаловчилари **этак, ёнғоқ, қозик, миҳ** сўзларидир. Шулардан **этак** сўзи гапдаги элипсисга учраган **чанг** сўзининг ўрнига объект ифодаловчиси бўлиб қолган. Масалан: Сидиқжон этагини қоқиб ўрнидан турди-ю, жадаллаганича кўча эшикка қараб кетди (А.Қаҳҳор). Аслида ушбу гапда **қоқмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **этагидаги чанг** сўз бирикмасидаги **чанг** сўзидир, лекин бу сўз элипсисга учраб қисқарган ва объект ифодаловчиси **этак** сўзи бўлиб қолган.

Қолган мисолларда объект ифодоловчиси ўз ўрнида келган: Раъно келиб Мансурни турғизди ва кийимига ўтирган чангларни қоқди (А.Қодирий). Катта танаффусда ўқитувчиларнинг кўзини



шамгалат қилиб ёнғоқ қоқардик (Ў.Ҳошимов). Бу гапда **қоқмоқ** феълининг объект ифодаловчиси **чанг**, ёнғоқ сўзларидир.

19. **Кўймоқ** сўзининг маъно тузилишида 'ер остига' 'жойламоқ' узвлари бор. Унинг объект ифодаловчилари **киши**, **у**, **кўз**, **ўлик**, **селхона**, **сабзи**, **картошка** каби сўзлардир. Масалан: Кейин уни маҳалла кўмди (Ў.Ҳошимов). Баъзи қишлоқларда қадимги селхоналарни **кўмиб**, **ғўза** экишаётганмиш (Ҳ.Ғулом). Бу гаплардаги **кўймоқ** феълининг объект ифодаловчилари **у**, **селхона** сўзларидир.

20. **Ҳайдамоқ** феълининг бош маъноси 'киши ва жониворларни' 'хузуридан' 'нарилатмоқ' узвларига эга. Бош маънодаги **ҳайдамоқ** феълининг объект ифодаловчилари ана шу узвларга мос келади. Масалан: У беҳисоб **қўй** подаларини **ҳайдаб** қуёш қаршисига **юрятти** (Ў.Умарбеков). Бу гапда **ҳайдамоқ** феълининг объект ифодаловчиси **пода** сўзидир.

**Ҳайдамоқ** феълининг **кўчма** маънолари ҳам бор. Бири 'техникани юргизмоқ'. Масалан: Норкўзи машина **ҳайдаб** борарди (Ҳ.Ғулом). Бу гапда **ҳайдамоқ** феълининг объект ифодаловчиси **машина** сўзидир. У юкоридаги маъно тузилишига **тўлиқ** мос келади.

Ушбу феълнинг яна бир маъноси 'техникани юргизиб' тупроққа 'ишлов бермоқ'. Масалан: Ерларни **ҳайдаш** керак (М.Ҳазратқулов). Бу гапда **ҳайдамоқ** феълининг объект ифодаловчиси **ер** сўзидир.

Битта сўз турли маънода турлича объект ифодаловчиларига эга эканлигини кўрдик. Шундай экан, турли феълларнинг объект ифодаловчилари яна ҳам **кўп** гуруҳларга бўлиниб кетади. Бунда феъл ва объект ифодаловчилари умумий узв классемага эга бўлади. Масалан: **чувимоқ**, **ўтказмоқ**, **экмоқ**, **термоқ**, **юлмоқ**, **йиғмоқ**, **суғормоқ**, **ўрмоқ**, **қирқмоқ**, **узмоқ** феълларининг объект ифодаловчилари маъно тузилишида 'экин' узви бўлган қуйидаги сўзлардир, **қамиш**, **мева**, **дарахт**, **пахта**, **чигит**, **буғдой**, **ғўза**, **тарвуз**, **ўт**, **занг**, **ток**, **туп**, **гул**, **уруғ**, **кўчат**, **кўсак**. 'Экин' узви уларнинг классемасидир. Масалан: Шу йилнинг ўзида **ўн** минг туп экармиш (Ҳ.Ғулом).

**Қормоқ**, **ёпмоқ**, **тўғрамоқ**, **қуймоқ**, **тайёрламоқ**, **кесмоқ**, **сугмоқ**, **сузмоқ**, **ювмоқ**, **узмоқ**, **ушатмоқ** феълларининг объект ифодаловчилари 'емак' узви бўлган қуйидаги сўзлардир. **Нон**, **гўшт**, **чой**, **манти**, **савзи**, **ҳамир**, **овқат**, **бодринг**, **пиёз**, **ош**, **зоғора**. Масалан: Уйда **нон** ёпилмаганидек, **бозордан** ҳам **сотиб** олинмас эди (А.Қодирий).

**Сепмоқ, куймоқ, ичмоқ** феълларининг маъно тузилишидаги 'суюқлик' узви объект валентлигини юзага келтиради. Улар куйидагилардир: **сув, чой, сут, шароб, айрон, май, қимиз**. Масалан: Кун ботиши билан онам ҳовлига сув сепар эди (Ў.Ҳошимов).

**Тутмоқ, соғмоқ, сўймоқ, ҳайдамоқ** феълларининг 'жонивор' узви объект валентлиги билан боғловчи классема ҳисобланади. Уларнинг объект ифодоловчилари куйидагилардир: **қўй, кучук, илон, сигир, қўчқор, пода, от-улов, эчки, мушук, бузук**. Масалан: Хотини сигирни соғаётганда..(Латифалар). Бир пасда бештача чумчуқ тутиб келишди (Ў.Умарбеков).

**Қурмоқ, солмоқ, бузук, тайёрламоқ, ясамоқ** феъллари маъносидаги 'бино, жой' узви объект валентлигини юзага келтиради. Куйидаги сўзлар уларнинг объект ифодоловчилари бўлиб келган: **завод, девор, ҳаммом, уй, шийпон, қўрғон, айвон, чодир**. Масалан: Кейинчалик ёнига кичкина бир консерва заводи қуриш мумкин (Ў.Умарбеков).

**Тикмоқ, тўқимоқ, ювмоқ, бўлмоқ, қирқмоқ, чаймоқ, бичмоқ, мойламоқ** феълларининг маъносидаги 'кийим' узви объект валентлигини юзага келтиради. Уларнинг объект ифодоловчилари куйидаги сўзлардир: **шим, этик, туфли, чок-пок, духоба, кир, кўйлак**. Масалан: Салтанат майда-чуйда кирларни чайиб ёйди (Ў.Усмонов).

**Текисламоқ, кавламоқ, ўймоқ, ҳайдамоқ** феъллари маъносидаги 'ер' узви объект валентлигини юзага келтиради. Куйидаги сўзлар ушбу феълларнинг объект ифодоловчиларидир: **зовур, чуқур, ер, ўчоқ, ўра, тепа, ўк, арик, дўнг, жарлик, жой**. Масалан: Икки смена ер ағдарамиз (Ҳ.Ғулом).

Ушбу феъллар гуруҳини бир-бири билан аралаштириб ёки алмаштириб бўлмайди, яъни бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмайди. Ҳар бир феъл маъносидаги биронта узви унинг объект валентлигини келтириб чиқаради. Демак, объект валентлиги зарурий ва шаклантирувчи валентлик ҳисобланади.

Биз юқорида объект ифодоловчиларининг турли маънолардаги турдош отлар билан ифодаланган мисолларни таҳлил қилдик. Турдош отлар ўрнида баъзан бошқа сўз туркумига оид объект ифодоловчиси бўлган мисоллар ҳам учрайди. Агар уларни турдош отлар билан алмаштирмакчи бўлсак, ҳар бир феъл мослашувчи

классема бўйича турдош отларни талаб қилади. Бу, албатта, биз юқорида гуруҳларга ажратган тартибга мос келадиган сўз бўлади.

Энди объект ифодаловчиси бошқа сўз туркуми орқали ифодаланган мисолларни кўриб чиқамиз.

Объект ифодаловчиси атоқли от бўлиши мумкин. Масалан: Ҳозир негадир. Орифни тутиб олиб дўппослагим, биқинига, бошига роса муштлагим келиб кетди (Х.Тўхтабоев). Анвар оҳорлик янги йўргак кўрмаганидек, оғаларининг бир эски бешигига тўққизинчи кун беланди эмас, тиқилди (А.Қодирий). Бу гапларда **дўппосламоқ, беламоқ** феълларининг объект ифодаловчиси Ориф, Анвар сўзларидир.

Объект валентлиги олмошнинг ҳар хил турлари билан ифодаланиши мумкин.

1) кишилик олмошлари билан: Кейин мени шоша-пиша кўрпачага уради (Ў.Ҳошимов). Шунда уни отаси даст кўтариб бағрига босди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **ўрамоқ, кўтармоқ** феълларининг объект ифодаловчиси мен, у олмошидир.

2) сўроқ олмошлари билан: Лойга нима кўшилган? (Латифалар). Бу гапда **кўшмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси нима сўроқ олмошидир.

3) кўрсатиш олмошлари билан: Ҳали кўрак кўп. Уни чувиш керак (Ҳ.Ғулом). Афанди шуни бўяб берсангиз (Латифалар). Бу гапларда **чувимоқ, бўямоқ** феълларининг объект ифодаловчиси у, шу олмошларидир.

4) ўзлик олмоши билан: Рўмоли билан манглайдаги терларни артиб, ўзини елпиди (А.Қодирий). Кўрсам, қараб турармидим, ўзларини боғлаб қўярдим...(Ў.Умарбеков). Бу гапларда **елпимоқ, боғламоқ** феълларининг объект ифодаловчиси ўз олмошидир.

5) белгилаш олмошлари билан: Ҳаммасини сочиб ташлабди-ку! (Ў.Ҳошимов). Лекин у киши ҳаммани пахта билан ўлчайдилар (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **сочмоқ, ўлчамоқ** феълларининг объект ифодаловчилари ҳамма олмошидир.

Объект ифодаловчи сўзлар отлашган сифат бўлиши мумкин: Масалан: Майли ўғлим, келинимга мен ундан яхшисини ясаб бераман (Ў.Умарбеков). Бу гапда **ясамоқ** феълнинг объект ифодаловчиси яхши сўзидир.

Объект ифодаловчилари отлашган сон бўлиши мумкин. Масалан: Шундан биттасини ушатиб, она-бола ердик (Ў.Ҳошимов). Кейин ўзим яхши кўрган шоколаддан икки-учта узатиб – бор энди

бирпас уйнаб келгин-дейди (Х.Тўхтабоев). Бу гапларда ушатмоқ, узатмоқ феълларининг объект ифодаловчиси битта, икки – учта сўзларидир.

Объект ифодаловчилари равиш бўлиши ҳам мумкин. Масалан: Баҳорда сел келиб, ёзда қурғоқчилик кучайиб, пахтанинг яримдан кўпи қайта экилди (Ў.Умарбеков). Кўйларинг ҳам борми? –сўрадим молларнинг тагини тозалаб юрган паст бўйли бир боладан (Х.Тўхтабоев). Орасини титкилаган эдим (Х.Тўхтабоев). Бу гапларда **экмоқ, тозаламоқ, титкиламоқ** феълларининг объект ифодаловчилари **кўп, таг, ора** каби сўзлардир.

Баъзи гапларда объект ифодаловчиси йўқ, имплицит яъни яширинган бўлади. Масалан: Ҳозир амаллаб отга ортамик (Ў.Умарбеков). Трактор ярим кун ишлаб, тизза бўйи ҳайдаб берибди (А.Қаҳҳор). Бир оз сабр қилмайсанми, ўзим ёриб бермайманми (Ў.Ҳошимов). Бу гапларда **ортмоқ, ҳайдамоқ, ёрмоқ** юмуш феълларининг объект ифодаловчилари йўқ, имплицит ҳолатида. Агар агенс имплицит бўлса, эга кесим мослашувига кўра яъни синтактик усул билан агенс ифодаловчисини аниқлаш ва олмош билан ифодалаш мумкин бўларди. Аммо объект ифодаловчисини бу усул билан келтириб чиқариш мумкин эмас. Объект ифодаловчисини феъл мазмунидан, семантик усул билан топиш мумкин. Масалан, юқоридаги гапларда **ортмоқ, ҳайдамоқ, ёрмоқ** юмуш феълларининг маъно тузилишидан келиб чиқиб, объект ифодаловчиларини куйидагича аниқлаймиз? **Ортмоқ** феълнинг маъно тузилишидаги 'юк' узви бўйича объект ифодаловчисини топиш мумкин. Масалан, **юк ортамик, пахта ортамик** каби, **ҳайдамоқ** феълнинг 3-маъносидаги 'ишлов бермоқ' узви асосида объект ифодаловчиси ер дала сўзлари бўлади. Масалан, ерни **ҳайдамоқ, ёрмоқ** феъли маъно тузилишидаги 'бўлакка ажратмоқ' узвига кўра **ўтин, тараша** каби объект ифодаловчиларига эга бўлиши мумкин. Демак, имплицит ҳолатидаги объект ифодаловчисини аниқлаш учун феълнинг семантик хусусиятларига асосланамиз. Бу объект валентлигининг облигатор, яъни зарурий валентлик эканлигини яна бир бор гасдиқлайди.

## ОБЪЕКТ ИФОДАЛОВЧИСИНИНГ ТУРЛИ КЕЛИШИКЛАРДА КЕЛИШИ

Объект ифодаловчиси гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келар экан, доим уни тушум келишиги формасида кўрамиз.

Жуда кўп гапларда объект ифодаловчиси белгисиз тушум келишигида бўлади. Масалан: ...мана шу ерга Анвар акангга атаб уй солиб берамиз, Раъно (А.Қодирий). У кунни Қурбон отага қарашиб ўтказди, кўмир майдалади, хумга сув тўлдирди (А.Қахҳор). Бодринг узаётган бўлса керак (Х.Фуллом). Бу гапларда солмоқ, майдаламоқ, узмоқ феълларининг объект ифодаловчиси **уй, кўмир, бодринг сўзлари** белгисиз тушум келишигида келган. Баъзи гапларда объект ифодаловчиси жўналиш келишигида бўлади. Масалан: Орқасига бир-икки шапатилади (Ў.Ҳошимов). Эрталаб кимдир секин елкамга туртаётганини пайқаб қолдим (Ў.Ҳошимов). Афанди хивчин билан уларнинг тиззаларига савалай бошлади (Латифалар). Бу гапларда **шапатиламоқ, туртмоқ, саваламоқ** феълларининг объект ифодаловчилари **орқа, елка, тизза** каби жўналиш келишигидаги сўзлардир. Объект ифодаловчилари инсон танасининг қисмларини билдириб келяпти. Демак, объект ифодаловчиларини **боланинг орқаси, менинг елкам, уларнинг тиззалари** тарзида айтса ҳам бўлади. Энди ушбу сўз бирикмаларининг биринчи эмас, иккинчи қисмини тушириб қолдирсак, гапларимиздаги объект-феъл бирикмаси қуйидагича бўлади, **болани шапатилади, мени туртди, уларни савалади**. Демак, бу гапларда ҳам объект ифодаловчилари иш-ҳаракат ўтаётган, тушум келишигидаги воситасиз тўлдирувчидир. Лекин иш-ҳаракат ўтаётган объект шахс билдирувчи сўз эмас, унинг тана қисмларини англатувчи яъни бутуннинг қисмини ифодаловчи сўз бўлгани учун у **боланинг орқасига шапатилади, менинг елкамга туртди, уларнинг тиззаларига савалади** тарзида берилган.

Бутуннинг қисмини билдирувчи объект ифодаловчилари баъзан чиқиш келишигида бўлади: Кейин ўзим яхши кўрган шоколаддан узатиб – бор, энди бирпас ўйнаб келгин, дейди (Х.Тўхтабоев). Янаги йилданок далаларнинг барига шу Азизнинг навидан экардим (Ў.Усмонов). Бу гапларда **узатмоқ, экмoқ** феълларининг объект ифодаловчилари **шоколад, нав** сўзларидир. Уларни ҳам юқоридагидек тўлдириб таҳлил қилсак, қуйидаги

холни кўрамиз: шоколаддан иккитасини узатиш, навидан озгина экардим.

Демак, бутуннинг қисмини билдирганда, объект ифодаловчиси тушум келишигида келмайди, у ё жўналиш келишигида, ё чиқиш келишигида бўлади. Бир қанча гапларда объект ифодаловчиси бутуннинг қисмини ифодалаётгани тўлиқ акс этган. Масалан: Шундан биттасини ушатиб, она-бола ердик (Ў.Ҳошимов). Натирдан бир бурдагина ушатиб, ҳовузнинг ўртасига отди (Ғ.Фулом). Бу гапларда **ушатмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **биттаси, бир-бурда** сўзларидир.

Ошмоқ феълнинг 'тўсикдан ўтмоқ' маъноси маълум бир негарааланган объект ифодаловчиларига эга. Улар **девор, доvon, тоғ** каби сўзлар бўлиб, доим чиқиш келишигида келади. Бу бутуннинг қисмини ифодалагани учун эмас. Ушбу феълда бундай маънони кўрмаймиз, объект ифодаловчисининг чиқиш келишигида бўлиши феълнинг маъно тузилишидан келиб чиқади. Бунда иш-ҳаракат объектга ўтади ва шу билан бирга объект шу ҳаракат жараёнида ортда қолади. Деҳқонбой девордан ошиб Ҳафизанинг олдига ўтмоқчи бўлди (А.Қаҳҳор).

Бу феълнинг объект ифодаловчиси белгисиз келиши ҳам мумкин. Лекин барибир чиқиш келишиги маъноси англашилиб туради: Қиз девор ошиб унинг кетидан кувлади (А.Қаҳҳор). Юқоридаги ҳар икки гапда ҳам **ошмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси чиқиш келишигидаги **девор** сўзидир.

Хуллас, юмуш феълларининг объект валентлиги шу феълнинг маъно тузилишидан келиб чиқади. Улар ҳар бир феълнинг маъно тузилишига мос келади. Юмуш феъли ва объект ифодаловчисини умумлаштирувчи, ўзаро мослаштирувчи классема мавжуд бўлади. Объект ифодаловчиси гапда тўлдирувчи вазифасида келади.

## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИ ФУНКЦИОНАЛ ФОРМАЛАРДА КЕЛГАНДА ОБЪЕКТ ИФОДАЛОВЧИСИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

Юмуш феъллари функционал формаларда келганда, хусусан, сифатдош шаклида объект ифодаловчиларининг гапдаги вазифаси бир хил бўлмайди. Йиғилган мисолларнинг кўпчилигида объект ифодаловчисининг вазифаси ўзгармаган, яъни тўлдирувчидир. Масалан: Эски пальтосининг устидан елкасига жилд осган Ориф пайдо бўлди (Ў.Ҳошимов). Ҳовли юзини супуриб-сидириб келган Салтанатнинг ранги қув ўчди (Ў.Усмонов). Бу гапларда **осмок**, **супурмоқ** феълларининг объект ифодаловчилари жилд, **ҳовли юзи** сўзлари гапда тўлдирувчи вазифасида келган.

Юмуш феъллари сифатдош формасида келган баъзи гапларда объект ифодаловчиси аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш бўлиб, гапда турли вазифаларда келади. Масалан: Худди Ҳафиза тайёрлайдиган мантининг ўзи (Ў.Умарбеков). Шунча йилдан бери ҳаракат қилиб қурган посёлкамиз битди (Ў.Умарбеков). Ҳали ясаган қорбобомни тепиб бузиб ташлади-ку! (Ў.Ҳошимов). Бу мисолларнинг биринчисида **тайёрламоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **манти** сўзи гапда қаратқич аниқловчи, иккинчи гапда **қурмоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **посёлка** гапда эга, учинчи гапда **ясамоқ** феълнинг объект ифодаловчиси **қорбобо** воситасиз тўлдирувчи вазифаларида келган. Ҳар учала ҳолда сифатдош формасидаги юмуш феъли аниқловчи вазифасида бўлиб, объект ифодаловчиси аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш вазифасида келган. Демак, юмуш феъллари сифатдош формасида келганда, фақат агенснинг белгисини билдирмай, объектнинг ҳам белгисини билдиради. Лекин объектнинг белгисини билдириши учун, албатта, иш-ҳаракатни бажарувчи агенс ифодаланган бўлиши керак. Масалан, Ҳафиза тайёрлайдиган манти, тарзида. Сифатловчи-сифатланмиш муносабатида агенс белгиси ифодаланса, сифатдош формасидаги юмуш феъли тўғридан-тўғри сифатланмишга боғланиб келади, яъни тайёрлайдиган Ҳафиза, тарзида. Объект белгисини билдирганда эса, иш-ҳаракатни бажарувчи ифодаланмаган бўлса объектга қўшилган эгалик қўшимчалари орқали агенс англашилади. Демак, агар, **биз қурган посёлка**, сўз бирикмасидаги **биз** тушиб қолса, белгини билдирувчи, ҳаракатнинг бажарувчиси қуйидагича ифодаланади,

**курган посёлкамиз.** Бунда феъл билдирган иш-ҳаракатни бажарувчи эгалик қўшимчаси орқали кўплик, I шахсда эканлигини англашиляпти.

Бир нечта мисолда аниқланмиш вазифасидаги сўз-тушиб қолиб, юмуш феълнинг сифатдоши отлашган. Масалан, Бахмалбоф маҳалла-духоба тўқийдиганлар маҳалласи (А.Қодирий). Эрта-индин ўлиб кетсам, тепкилиб кўмадиганимдан айрилиб қолдим, айланай (Ў.Ҳошимов). Эргашевнинг тобутини кўтарганлар орасида у ҳам бор (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **тўқимок, кўммок, кўтар-мок** феъллари сифатдош формасида отлашган ва гапда қараткич аниқловчи, воситали тўлдирувчи вазифасида келган. Уларнинг объект ифодаловчилари биринчи гапда **духоба**, иккинчи гапда имплицит (мен), учинчи гапда **тобут** сўзларидир.

Мажхул нисбатдаги юмуш феъллари сифатдошининг объект ифодаловчиси доим аниқловчи-аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш бўлиб келади. Масалан: Ялпиз хидига қўшилиб димоққа урилган ер хиди умрнинг яна бир йили ўтганини эсга солади. Берунийнинг сўзлари оловга сепилган сувдек таъсир кўрсатди (М.Осим).

Равишдош формасида юмуш феълнинг валент ифодаловчилари ўз вазифаларини ўзгартирмайдилар. Жумладан, объект ифодаловчиси ҳам, одатдагидек, тўлдирувчи вазифасида келган. Сизнинг ҳам нормангизни териб берамиз (Ў.Умарбеков). Чўлбоб анчагина чуқур қазиб қўйган (Х.Ғулом). Ер ўчоқлар қазий бошладилар (М.Осим). Бу гапларда **термок** ва **қазимок** феълларининг объект ифодаловчилари **норма, чуқур, ўчоқ** сўзлари бўлиб, улар воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган.

Юмуш феъллари ҳаракат номи формасида келганда, аксарият, бошқа валент ифодаловчилари шу гап таркибида бўлмаслиги мумкин. Бўлган тақдирда ҳам объект ва восита валентлиги ўз ўрнида ва ўз вазифасида бўлади. Масалан: Ҳовлини супуриш, идиш-товокларни ювиш ўшанинг бўйнида (Х.Тўхтабоев). Мактабда хуснихат машқ қилиб ўтирувчи болалар ичидан иккитасини гулзорни супуриб, сув сепишга буюрди (А.Қодирий). Афанди ўчоққа ўт ёқишга кўп уринди (Латифалар). Бу гапларда ҳаракат номи формасидаги юмуш феъллари **супурмок, ювмок, сепмок** ва **ёқмок** бўлиб, уларнинг объект ифодаловчилари **ҳовли, идиш-товок, гулзор, сув, ўт** каби сўзлардир.



Юмуш феъллари сифатдош формасида келса, объект ифодаловчиси баъзан аниқловчи+аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш бўлиб келиши мумкин, агар аниқловчи+аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш агенс бўлса, объект ўз вазифасида, яъни воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади. Юмуш феъли мажхул нисбатдаги сифатдош бўлса, объект ифодаловчиси, албатта, аниқловчи+аниқланмиш қурилмасидаги аниқланмиш бўлади.

Юмуш феъллари равишдош шаклида бўлса, объект ифодаловчи воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

Юмуш феъллари ҳаракат номи бўлса, объект ифодаловчисининг гапдаги вазифаси ўзгармайди. Улар гапда кўпинча реаллашмайди, агар мавжуд бўлган тақдирда, гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида бўлади.

## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИ ТУРЛИ НИСБАТЛАРДА КЕЛГАНДА ОБЪЕКТ ИФОДАЛОВЧИСИНИНГ ГАПДАГИ ВАЗИФАСИ

Феъл нисбатлари феълнинг гапдаги бошқа сўзлар билан муносабатини ўзгартириб юборувчи категориядир. Шунинг учун унинг объект билан муносабати ҳам, объектнинг гапдаги вазифаси ҳам ўзгариб келади. Буни биз феълнинг ҳар бир нисбатини ўрганганимизда яққол кўраемиз.

1. Ўзлик нисбати феълни ўтимсизлаштиради. Шунинг учун юмуш феъллари ўзлик нисбатида келса, унинг объект ифодаловчиси бўлмайди, ўзлик нисбатида феъл билдирган иш-ҳаракат агенсга қайтади. Демак, объект вазифасини ҳам агенснинг ўзи бажаради. Масалан: Бемор шунча даволанса ҳам аҳволи яхшиланмас эди. Мардикорлар енгил-елпи чайиниб, тушликка ўтиришди (Газетадан). Бу гапдаги даволамок, чаймоқ феъллари ўзлик нисбатида, улар билдирган иш-ҳаракат агенсга, яъни бемор ва мардикор сўзларига қайтапти. Демак, уларнинг объект ифодаловчиси мавжуд эмас.

2. Юмуш феъллари мажхул нисбатда бўлганда, уларнинг агенс билан муносабати мажхумлашиб кетади ва гапда ўз ифодасини топмайди. Объект ифодаловчиси эса гапда эга вазифасида келади. Масалан: Оқ шийпон устунларига оқ парда тортилди (Х.Ғулом). Оқ майин жундан, чеккасига ипақдан чиройли ҳошия тикилган (Х.Тўхтабоев). ...супанинг уч тарафига ёз гуллари экилган (А.Қодирий). Бу гапларда тортмоқ, тикмоқ, экмoқ юмуш феълларининг объект ифодаловчилари парда, ҳошия, гул сўзлари бўлиб, улар гапда эга вазифасига келган.

3. Юмуш феъллари биргалик нисбатида келганда фақат бисубъектлик содир бўлиб, феълнинг объект билан муносабатида ўзгариш бўлмайди. Объект ифодаловчиси гапда воситасиз тўлдирувчи бўлиб келади. Масалан: Улар кечгача дарахт экишди (Х.Ғулом). Иккалови бир амаллаб этакларни отга ортишди (Ў.Умарбеков). Қолганлари чўлга кетаётган юкларни араваларга ортишди (Х.Ғулом). Бу гапларда экмoқ, ва ортмоқ феъллари биргалик нисбатида келган бўлиб, уларнинг объект ифодаловчилари дарахт, этак, юк сўзлари гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган.

4. Орттирма нисбатда ҳам юмуш феълларининг агенси иккиланган шахс бўлади, яъни бажаришга ундовчи ва бажарувчи,

аммо объект билан муносабати ўзгармайди. Масалан: Мулозимга сарой ҳовлисини супуртириб.....(М.Осим). Сатторкул аканг уйини оқлатди (А.Қаҳҳор)...масжидни қулфлатиб қўйган (Латифалар). Бу гапларда орттирма нисбатдаги **супурмок, оқламок, қулфламок** феълларининг объект ифодаловчилари **ҳовли, уй, масжид** сўзлари бўлиб, улар гапда воситасиз тўлдирувчи вазифасида келган.

Демак, юмуш феъли билан объект ифодаловчисининг муносабати биргалик ва орттирма нисбатларда ўзгаришсиз қолар экан.

Хуллас, юмуш феъли аниқ нисбатда бўлса, объект ифодаловчиси воситасиз тўлдирувчи вазифасида бўлади. Юмуш феъли ўзлик нисбатда келса объект ифодаловчиси бўлмайди, ҳаракат ўтувчи сўз агенсининг ўзи бўлади.

Юмуш феъллари орттирма ва биргалик нисбатларида келганда, объект ифодаловчисининг вазифасида ўзгармайди. Гапда у воситасиз тўлдирувчи вазифасида келади.

## ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИДА ПАЦИЕНС

Юмуш феълларида ҳам морфологик, ҳам семантик каузация кузатилади. Кўп юмуш феъллари каузативдир. Бу феълларнинг маъно қурилмасидан келиб чиқади. Юмуш феълларининг маъно қурилмасида 'ижро' семаси бўлиб, улар ҳаракатнинг объектга фақат ўтибгина қолмай, ўша объектда яқунланишини ҳам билдиради. Бу эса каузативлик хусусиятига тўлиқ мос келади. Бундан ташқари барча юмуш феъллари ўтимлидир. Ўтимли феълларнинг семантикасида каузатив муносабат ифода этилади.

Каузатив юмуш феъллари аниқ нисбатда келганда, агенс шахс ифодаловчи сўз бўлиб, гапда эга вазифасини бажаради. Пациенс эса шахс ифодаловчи, жониворларни билдирувчи сўз бўлиши мумкин ва тўлдирувчи вазифасида келади.

Пациенс жониворларни билдирувчи сўз бўлган мисолларни кўриб чиқайлик. Бунда контакт-каузативни ҳам, дистант-каузативни ҳам учратиш мумкин.<sup>10</sup> Бу, албатта, феъл билдирган маъно билан боғлиқ. Масалан: Бола йўлда бир киши бир мушукни миёвлатиб, уриб, судраб юрганини кўрди (Ўзб.Х.Ў.И). Ушбу гапда **судрамоқ** феълдан англашилган иш-ҳаракат пациенс – мушукда **пассив** акс этади. Бунда агенс – **бир кишининг** иш-ҳаракатни амалга ошириши биринчи навбатга ўтади. Демак, бу гапда контакт-каузативни кўрамиз.

Бошқа бир мисолда эса пациенсининг ҳаракати олдинги навбатга ўтиб, агенс ана шу иш-ҳаракатни амалга оширишда йўл кўювчи бўлиб қолади. Демак, бу дистант-каузативдир. Масалан: Ёнғоққа боғлаб қўйилган эчкини икки марта суғордим (Ў.Ҳошимов). Бу гапда юмуш феъли **суғормок**, агенси-имплицит (мен), пациенси **эчки** сўзи бўлиб, агенс (шахс) таъсирида пациенс (эчки) иш-ҳаракатни амалга оширган (сув ичган). Агенсининг ҳаракати орқа планга ўтган.

Дистант-каузативли гапларнинг бирида пациенс шахс билдирувчи сўз бўлиб, у гапда ифодаланмаган (имплицит). Лекин гапнинг маъносидан у англашилиб туради: Дўстларим: “Жуда сиқилиб кетдингиз, айланиб келамиз”, деб тоққа судрашди (Ў.Ҳошимов). Бу гапда юмуш феъли **судрамоқ**, агенси **дўстларим**, пациенси **имплицит** (мени).

Морфологик каузативда пациенс доимо шахсни билдиради. Чунки орттирма нисбат феълнинг агенсини объектга айланттирар

экан, биз биламизки, юмуш феълларининг агенси доимо шахс билдирувчи сўзидир. Мисолларни кузатганимизда, морфологик каузативли гапларда пациенс гоҳ имплицит, гоҳ эксплицит<sup>8</sup> ҳолда шахсни англатади. Масалан: ...мулозимга сарой ҳовлисини супуртириб қўйди (М.Осим). Бу гапда орттирма нисбатдаги **супурмоқ** феълнинг агенси имплицит (у), пациенси мулозим. Ушбу мисолда морфологик кузатувиға хос яна бир хусусиятни учратамиз. Пациенс воситали тўлдирувчи вазифасида келган. Лекин бу ҳамма гапларда ҳам ўз аксини топавермайди. Демак, морфологик каузативли гапларда гарчанд шу маъно англашилиб турса-да, пациенс кучсиз факультатив валентлик ҳисобланади.

Ўша ўзи келиб тиллақош ясаттириб кетди (Ў.Умарбеков). Рўпарадаги деворни буздириб, тешиқдан чиқиб кетасиз...(М.Осим). Бу гапларда орттирма нисбатдаги **ясамоқ**, **бузмоқ** феълларининг агенси ўзи, **сиз** олмошлари бўлиб, пациенси ифодаланмаган (имплицит), лекин гапнинг маъносидан пациенс шахс билдирувчи сўзлиги, гапда воситали тўлдирувчи бўлиб келиши англашилади.

Юмуш феъли мажҳул нисбатда келганда, пациенс гапда эға вазифасида бўлади: Хўжа Абдулланинг фармойиши билан қасрнинг зинапояларига яна поёндоз тўшалди (П.Қодиروق). Оқшом шийпон устунларига оқ парда тортилди (Х.Фулом). Бу гапларда мажҳул нисбатдаги **тўшамоқ**, **тортмоқ** феълларининг пациенси поёндоз, парда сўзлари эға вазифасида келган.

Келтирилган мисолларга асосланиб, биз шуни айтишимиз мумкинки, юмуш феълларида ҳам морфологик, ҳам семантик каузация учрайди. Шу билан бирга уларнинг орасида контакт-каузатив ҳам, дистант-каузатив ҳам мавжуд.

Юмуш феълларининг пациенси морфологик каузативда шахс ифодаловчи сўз бўлади. Семантик каузативда эса шахс ифодаловчи жонивор ва бошқа предметларни билдирувчи сўз бўлиши мумкин.

## Хулоса

Юмуш феълларининг объект валентлиги таҳлил этилар экан, куйидаги натижаларга келинди.

1. Юмуш феълларининг объект валентлиги реаллашар экан. деярли доим гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Бунинг учун юмуш феъллари соф феъл, равишдош вазифаси шаклида.

аниқлик, биргалик, орттирма нисбатларда қўлланиши ва кесимлик вазифасида бўлиши шарт.

2. Юмуш феълининг объект актанти эга вазифасида ҳам келиши мумкин. Бунинг учун юмуш феъллари мажхул нисбатда қўлланади.

3. Юмуш феълларининг объект актанти аниқловчили бирикмаларнинг аниқланмиши вазифасида келиши мумкин. Бунда феъл аниқлик ва мажхуллик нисбатларидаги сифатдош шаклида қўлланади.

4. Юмуш феъллари қаратқичли бирикмаларнинг қаратқичи вазифасида ҳам қайд этилади. Бунда феъл ҳаракат номи шаклида келган бўлади.

5. Объект актанти от, сифат, олмош туркумидаги буюм ёки шахс билдирувчи сўзлар бўлиши мумкин.

## ВОСИТА ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юмуш феълларининг яна бир зарурий валентлиги – восита (инструмент) валентлигидир. “Феълларнинг инструмент валентлигига эга бўлиши ҳам...унинг ўрин келишклики инструмент актантини қабул қилиши учун имкониятдир. Бунда феъллар ижро семантикасида бўлиши шарт”.<sup>5</sup> Восита валентлиги ҳамма юмуш феълларида ҳам учрамайди. Баъзи феъллар семантикаси албатта “нима билан” деган маънодаги сўзни талаб қилиб туради. Баъзиларида эса аксинча бундай ҳол кузатилмайди. Демак, восита валентлигига эга бўлиш юмуш феълларида чегаралангандир.

Масалан: ...орадан “абжад” сўзини тузук ёзиб чиқарган боланинг қўлини боғлаб уйига юборди (А.Қодирий). Носир Пўлатов ҳовлида ток қирқаётган эди (Ў.Умарбеков). Бу гаплардаги **боғламоқ** ва **қирқмоқ** юмуш феъллари ифодалаган ҳаракат албатта бирор восита билан бажарилгани англашилиб туради. 1-гапта рўмолча ёки арконча билан боғлаш мумкин (қўлни қўлга боғлаб қўёлмайсиз). 2-гапта эса токқайчи билан қирқиш мумкин (қирқмоқ феълнинг маъно тузилишида ҳам ‘пичок’ ёки ‘қайчи билан’ деган узв бор).

Восита валентлиги мавжуд бўлмаган феълларда эса бу ҳол кузатилмайди. Масалан: Салтанат ўрин солиб берди (Ў.Усмонов). Мен сомовар қўяй (А.Қаҳҳор). Бу гаплардаги **солмоқ**, **қўймоқ** юмуш феъллари билдирган иш-ҳаракат бирон-бир иш курали ёки воситасисиз бажарилади. Демак, уларда восита валентлигининг ифодаловчилари ҳам бўлмайди, талаб ҳам қилинмайди.

Юмуш феълларининг жуда оз қисмида восита валентлиги бўлмаслиги мумкин. Бу феъллар билдирган иш-ҳаракатни бажаришда инсон қўллари кифоя бўлади, иш курали талаб қилинмайди. Масалан, Хўжа Абдулланинг фармойиши билан қасрнинг зинапояларига яна поёндоз тўшалди (П.Қодиров). Чорбоғда тиллакори кўшк курганингизда кўргансиз, Хонзода бегим (П.Қодиров).

Бу гаплардаги **тўшмоқ** ва **қурмоқ** феълларининг восита валентлиги йўқ, бу иш-ҳаракатга восита даркор эмас. **Тўшмоқ** каби феълларида тўшаладиган материалнинг ўзи мантиқан восита, шунинг учун восита валентлигига зарурият бўлмайди.

Восита валентлиги гапта баъзан ўз ифодасини топади, баъзан эса йўқ. Лекин нутқда у яққол англашилиб туради.

Восита валентлигининг ифодаловчилари икки хил маънони билдиради:

1. Восита маъноси.
2. Курол маъноси.

Восита маъносида у иш-ҳаракатни бажаришда ёрдамчи нарсаларни билдириб келади. Бунда восита валентлиги киши мучасини ёки бошқа бирон ёрдамчи предметларни ифодалаш мумкин. Масалан: Сўнг сарғиш мўйловини кафти билан артар экан... (П.Қодиров). Йиллар заҳматидан дағал тортган бармоқлари билан пешонамни силагандек бўлди (Ў.Ҳошимов). Усмонов итни оёғи билан суриб айвонга кўтарилди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **артмоқ, силамоқ, сурмоқ** феълларининг восита валентлиги ифодаловчилари **кафт, бармоқ, оёқ** каби инсон мучасини билдирувчи сўзлардир. Улар гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келган.

Қиз сочларини рўмолча билан маҳкам танғиб, белини камар билан боғлаб олган эди (М.Осим). Ойим томоғимни аччиқтош билан чайиб кўрди (Ў.Ҳошимов). Жарга қулаган трактор гусеничалари билан кўкрагини эзиб юборган эди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **танғимоқ, боғламоқ, чаймоқ, эзмоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **рўмол, камар, аччиқтош, гусеница** каби нарсани билдирувчи сўзлардир.

**Танғимоқ, боғламоқ, чаймоқ, артмоқ, сурмоқ, ўрамоқ, ёқмоқ, соғмоқ, урмоқ, ювмоқ, термоқ, боқмоқ, қулфламоқ, мойламоқ, бўямоқ, бузмоқ, суғормоқ, тикмоқ, сепмоқ, ташимоқ, дазмолламоқ** феълларида восита валентлиги зарурий валентлик ҳисобланиб, уларнинг ифодаловчилари восита маъносини билдиради. Уларнинг восита ифодаловчилари турличадир. Масалан: **рўмол, камар, кафт, бармоқ, оёқ, қўл, кўрпа, таёқ, совун, ўт, калит, бўёқ, капкир, ип** кабилар. Бу сўзлар ўртасида, албатта, семантик мослик бўлади, яъни улар ўзаро умумий классемага эга бўлади. Масалан, бармоқлари билан **силамоқ** сўз бирикмасидаги восита ифодаловчиси **бармоқ** сўзининг маъно тузилиши 'одам панжасининг' 'қисмлари' семаларидан иборат. Силамоқ юмуш феълининг маъно тузилиши эса 'маълум юзада' 'оҳиста' 'панжа юрғизмоқ' семаларидан иборат. Бу сўзларда 'панжа' семаси классема ҳисобланади. Бошқа мисолларни ҳам семаларга ажратсак, уларни боғловчи классема мавжудлигига ишонч ҳосил қиламиз. Масалан: Филлар хартуми билан ўраб олиб ерга урар эди (М.Осим).



Курол маъносини билдирувчи восита ифодаловчилари гапда англашилаётган ҳаракатни бажаришдаги иш-қуроли вазифасини ўтайди. Курол маъносидаги восита валентлиги маълум бир гуруҳ юмуш феълларида мавжуддир. Бу эса ушбу феълларнинг маъносига боғлиқ бўлиб, бу феъллар билдирган иш-ҳаракат бирон-бир иш қуролида бажарилиши керак бўлади. Сўймоқ, чопмоқ, ўрмоқ, кесмоқ, қирқмоқ каби. Масалан: Чўлбобо кетмон билан ток зангларини очар эди (Ҳ.Ғулом). Ҳовлидаги итни қилич билан чопиб ташайдилар (П.Қодиров). Кейин ойим бандига узун таёқ боғланган бурган супурги билан супуриб чиқади (Ў.Ҳошимов). Бу гапларда очмоқ, чопмоқ, супурмоқ феълларининг восита ифодаловчилари кетмон, қилич, сушурги сўзларидир.

Чопмоқ, тикмоқ, қирқмоқ, бўлмоқ, супурмоқ, бузмоқ, ўрмоқ, қазимоқ, узмоқ, пармаламоқ, кавламоқ, кесмоқ, ўймоқ, тўқимоқ, чувимоқ, қайрамоқ, тарамоқ, сўймоқ, тўғрамоқ, қирқмоқ феълларининг восита ифодаловчиси курол маъносини билдиради. Улар иш-қуролни билдирувчи қуйидаги сўзлардир: кетмон, игна, пичоқ, сушурги, лўм, ўроқ, белкурак, эгов, қайчи, болға тароқ, қилич каби.

Шу ўринда биз восита валентлиги ифодаловчиларининг иккала гуруҳини фарқловчи бир мисол келтирамиз. Солиштиринг: тикмоқ феълининг восита ифодаловчиси игна бўлса, у курол маъносини билдиради; агар ип бўлса, восита маъносини билдиради.

Восита ифодаловчиларининг гапда ўз ифодасини топиши баъзан кўмакчилар ёрдамида, баъзан эса келишик қўшимчалари орқали бўлади. Деярли барча восита ифодаловчилари билан кўмакчиси ёрдамида ифодаланиши мумкин. Агар келишик қўшимчалари орқали ифодаланса ҳам, уларни билан кўмакчиси билан алмаштириш мумкин бўлади. Демак, асосий, реаллаштирувчи билан кўмакчисидир. Масалан: Фақат мева билан даволайди (Ў.Умарбеков). Қани энди имкони бўлса, шу пичоқ билан оғриётган жойини бураб-бураб олиб ташласа (Ў.Умарбеков). Бу гапларда даволамоқ ва бурамоқ феълларининг восита ифодаловчилари мева, пичоқ сўзлари бўлиб, улар билан кўмакчиси ёрдамида боғланган.

Восита ифодаловчилари билан кўмакчиси билан боғланганда қуйидаги маъноларни билдиради.

1. Иш қуроли маъноси.
2. Транспорт-восита маъноси.

3. Инсон мучаси маъноси.

4. Восита маъноси.

Масалан: Шу жой жуда зарур бўлса, кунлар юришиб кетганда ўзимиз омовч билан чопиб оламиз, деган эди (Ў.Умарбеков). Чўлбобо эшик олдини кетмон билан текислашга тушди (Х.Фулом). Афанди ёнғокни пичоқ билан икки бўлди (Латифалар). Бу гапларда **чопмоқ, текисламоқ, бўлмоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **омовч, кетмон, пичоқ** каби иш қуроли маъносидаги сўзлар бўлиб, улар **билан** кўмакчиси ёрдамида бириккан.

Юқларни арава билан ташиб олди. Ерларни трактор билан ҳайдаш керак-да (М.Ҳазратқулов). Бу гапларда **ташимоқ, ҳайдамоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **арава, трактор** каби транспорт ва техника маъносидаги сўзлар бўлиб, улар **билан** кўмакчиси ёрдамида бириккан.

...айниқса, сенинг қўлинг билан туғилган мантилардан жуда мамнун бўлдим, Раъно (А.Қодирий). Авлиё бир бармоғим билан кўзингни уяман, деган эди (Латифалар). Бу гаплардаги **туғмоқ, ўймоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **қўл, бармоқ** сўзлари бўлиб, одамнинг мучаси маъносини билдиради.

...тақа мўйлови эса уй ичида майда мих билан деворга сим қоқарди (Ў.Усмонов). ...рўмоли билан манглайдаги терларни артиб, ўзини елпиди (А.Қодирий). ...ўзи ҳам маҳсили калишининг учи билан ерни титкилай бошлади (Ў.Ҳошимов). Бу гаплардаги **қоқмоқ, артмоқ ва титкиламоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **мих, рўмол ва калиш** сўзлари бўлиб, восита маъносини англатади.

Аввал айтилганидек, восита ифодаловчилари юмуш феълларига келишиқ кўшимчалари билан ҳам боғланиши кузатилади. Бунда улар ўрин-пайт ёки жўналиш келишигида келиши мумкин. Келишиқ кўшимчаларини **билан** кўмакчиси билан алмаштирганимизда, нозик стилистик фарқ сезилади, аммо ҳеч бир маъно ўзгариши содир бўлмайди. Масалан: Сочини устарада қирдирган (Ў.Усмонов). Иссиқ кўрпага ўраб, қайноқ-қайноқ чой ичиришди (Ў.Ҳошимов). Бу гапларни куйидаги тарзда айтсак, хато бўлмайди: Сочини устара билан қирдирган. Иссиқ кўрпа билан ўраб, қайноқ-қайноқ чой ичиришди. Бу гапларда **қирмоқ, ўрамоқ** юмуш феълларининг восита ифодаловчилари **устара, кўрпа** сўзлари бўлиб, улар келишиқ кўшимчалари билан ҳам, кўмакчилар билан

хам реаллашиши мумкин. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Баъзи мисоллар борки, уларда келишик қўшимчаси ўрнида **билан** кўмакчисини қўллаб бўлмайди. Масалан: Подшо боласини кифтида кўтариб келди. У гаптаги восита ифодаловчиси ўрин келишиги қўшимчаси билан келган. Уни **билан** кўмакчиси билан алмаштириб бўлмайди, яъни, Подшо боласини кифти билан кўтариб келди, дейилмайди.

Иш-ҳаракатнинг маъносига кўра восита ифодаловчилари турли келишикларда келиши мумкин. **Кўтармоқ**, **қирмоқ**, **боғламоқ** феълларининг восита ифодаловчилари ўрин келишигида келган. Бунга биз юқоридаги гапларни мисол қилишимиз мумкин. Шу ўринда **кўтармоқ** феълининг **кифт** сўзи билан иккита гапта икки хил келишик қўшимчаси билан келганини кўрамиз:

1. Болани кифтида кўтарди.
2. Болани кифтига кўтарди.

Биринчи гапта **кифт** сўзи ўрин келишигида келган ва давомли иш-ҳаракатнинг восита ифодаловчиси бўлиб келган.

Иккинчи гапта эса **кўтармоқ** юмуш феъли давомсиз, бир забтли иш-ҳаракат маъносини билдиради ва **кифт** сўзи восита эмас, ўрин маъносини билдирган.

Иккала гапта **кўтармоқ** юмуш феъли **кифт** сўзи билан боғланган. Лекин 1-гапта **кифт** восита ифодаловчиси бўлиб, ўрин келишигида келган ва узоқ муддат болани кўтариб келишда восита вазифасини ўтаганини англатади. 2-гапта эса **кифт** сўзи жўналиш келишигида келган бўлиб, болани кўтариб олинган жой, ўрин маъносини билдиради.

Восита ифодаловчилари ўрин келишигида келар экан, турли маъноларни билдиради.

1. Иш қуроли маъноси.
2. Транспорт-техника маъноси.
3. Инсон мучаси маъноси.
4. Восита маъноси.

Мисоллар келтирамиз.

1. Қўл аррада аралади. Гўштни чопкида майдалаб, қозонга солди. Бу гапларда **арраламоқ**, **майдаламоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **арра**, **чопқи** каби иш қуроли маъносидаги сўзлардир.

2. Улар станцияга аравалар, извошларда катта-катта чамадонлар, коплар, кўрпа-ёстиқлар ортиб келишди (Х.Ғулом). ..пахтамизнинг учдан бирини машиналарда тердик (Х.Ғулом). Бугдойни комбайнда муддатидан олдин ўриб олишди. Бу гапларда **арава**, **извош**, **оргом**, **термок** каби транспорт ва техника маъносидаги сўзлар ифодалаган. **ва ўром**қ феълларининг восита валентлигини

3. Ўрин келишигидаги восита ифодаловчилари орасида инсон таъкидлаш, билдирувчи сўзлар жуда кам учрайди. Учраганда ҳам, беради, яъни аниқлаштириш, ажратиб ифодалаш маъноларини кўлда тикдим автобусда эмас, оёқда келдик ёки машинада эмас, ювмок феълнинг восита ифодаловчиси кўл сузи ўрин келишигида ювгани таъкидланади. Масалан: Онам кирни кўлда ювдилар. Бу гапта келган бўлиб, мазмунан она кирни кыр машинада эмас, кўлда

4. Болалар челада сув ташишди. Гулли дўппини ипақда тикди. Бу гапларда **челак**, **ташимок**, **тикмок** феълларининг восита ифодаловчилари **челак**, **ишак** сўзлари бўлиб, улар ўрин келишигида келган. Улар аниқлаштириш, диққатни қаратишга хизмат қилади.

Восита ифодаловчиси жўналиш келишигида бўлган феъллар ўзига хос маънога эга бўлади. Масалан, **артмок** ва **ўрам**ок феълларининг восита ифодаловчилари жўналиш келишигида келган. Мисолларга эътибор берайлик: Кейин шоша-пиша кўрпачага ўради (Ў.Ҳошимов). Оёқларини остонадаги латтага артиб, ичкари кирди (Ў.Усмонов). Бу гаплардаги **ўрам**ок, **арт**мок феълларининг восита ифодаловчиси **кўрпача**, **латта** сўзларидир. Ушбу восита ифодаловчиларини реаллаштирувчи жўналиш келишиги кўшимчасини ўрин келишиги кўшимчаси ва билан кўмакчиси билан алмаштириб кўраимиз:

1. Кўрпачага ўралган.

Сочикқа артилган.

2. Кўрпачада ўралган.

Сочикда артилган.

1. Кўрпача билан ўралган.

Сочик билан артилган.

Биринчи мисолларда,

яъни восита ифодаловчиси жўналиш келишигида келганда, восита ифодаловчилари эмас, объект ҳаракатда эканлиги инглашилади.

Иккинчи мисолларда, яъни восита ифодаловчилари ўрин келишигида келганда, иш-ҳаракат анча олдин бажарилгани, бу эса кечимдан кейинги ҳолат эканлиги англашилади.

Учинчи мисолларда билан кўмакчиси билан келганда, объект эмас, балки восита ифодаловчиси ҳаракатда эканлиги англашилади.

Демак, восита ифодаловчилари турли грамматик формаларда келар экан, маъно тузилишида нозик фарқланиш мавжуд бўлади.

Восита ифодаловчиларини реаллаштирувчи яна бир грамматик форма -лаб равиш ясовчи кўшимчасидир. Бу кўшимчанинг ўрнида ҳам билан кўмакчиси ёки ўрин келишиги кўшимчасини қўллаш мумкин бўлади. Масалан: Феруза ош хамирни муштлаб пишта бошлади (Х.Ғулом). Ғўзанинг устидан челақлаб сув куйсак, ширасини ювиб кетади-ку (Х.Тўхтабоев). Бу гапларда **пишитмоқ, куймоқ** феълларининг восита ифодаловчиси **мушт, челақ** сўзларидир. Улар гапта, одатдагидек, воситали тўлдирувчи эмас, равиш ҳоли вазифасида келган.

Баъзан юмуш феълларининг восита ифодаловчиси мавжуд гап қурилмасида бўлмаслиги, аммо бундан олдинги бошқа гап қурилмасида у мавжуд бўлиши мумкин. Бундай мисоллар жуда кўп учрайди. Уларда восита ифодаловчисининг воситалик вазифаси янада бўрттирилади. Масалан: Дадам икки-уч йилдан буён бульдозер ҳайдаб, ер текислайди (Х.Тўхтабоев). Сочик ҳўллаб, гиламни тозалади (Х.Ғулом). Худди доришуноснинг қил торозусига солиб ўлчагандай (Ў.Усмонов). Бу гаплардаги **текисламоқ, тозаламоқ, ўлчамоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **бульдозер, сочик, торозу** сўзларидир, лекин улар юмуш феъллари билан битта гап тизимида келмаган. Агар бу восита ифодаловчилари билан юмуш феълларини бир тизимга келтирсак, улар қуйидагича кўринишда бўлади: бульдозерда ер текислайди, ҳўл сочикда гилам тозалайди, қил торозусида ўлчагандай. Демак, **текисламоқ, тозаламоқ, ўлчамоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **бульдозер, сочик ва торозу** сўзлари ўрин келишигида келиши мумкин бўлар экан.

Бир нечта мисолларда восита ифодаловчиси гапта тушум келишигида келиб, воситасиз тўлдирувчи вазифасини бажарган. Лекин бу улар гапта объект ифодаловчиси бўлади, деган гап эмас. Бу фақат сўзлашувимиздаги бир кўриниш, холос. Чунки семантик жиҳатдан улар восита ифодаловчиси эканлиги яққол англашилиб туради. Масалан: Ўроғимни ўраман (П.Қодиров). Улоқчи отдек

манзилга югуради-ю, ер ҳайдайдиган отдек ҳар куни омоч ҳайдайди (Ў.Ҳошимов). Менинг ҳам шу болалар билан эгатларга ёнма-ён тушиб олиб, мусобақалашиб, кетмон чопгим келади (Х.Тўхтабоев). Афанди кўш ҳайдаётган эди (Латифалар). Бу гаплардаги **ўрмоқ**, **ҳайдамоқ**, **чопмоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **ўроқ**, **омоч**, **кетмон**, **кўш** сўзлари бўлиб, тушум келишигида келган. Аслида, бу сўзлар касб-хунар маъносини ифодалагани учун ҳам уларга урғу бериш мақсадида тушум келишигида ифодаланган.

Восита ифодаловчиларининг тушум келишигида келиши нутқ тежамкорлиги натижасидир. Қурол маъносидаги сўз хунарни билдирса ёки агенс ифодаловчиси-доимий шуғилланадиган асбоб қуролни ифода этса, восита ифодаловчиси тушум келишигида келади. Восита ифодаловчиси, касб-хунардан ташқари турли мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлган қуролни билдирса, у тушум келишигида келмайди. Солиштиринг, **ўроғимни ўраман**, **дейиш мумкин**, **аммо ҳеч қачон пичоғимни кесаман**, **ё қайчимни қирқаман**, дейилмайди.

Демак, хунар маъносини билдирувчи иш-ҳаракатни ифодалайдиган феълларнинг восита ифодаловчиси тушум келишигида келиши мумкин. Бу қуролларни фақат шу касб эгаси, яъни ўришда **ўроқчи**, ер чопишда деҳқон ишлатиши мумкин. Энди пичоқ, қайчи каби восита ифодаловчиларига келсак, улардан хунар эгасидан бошқалар ҳам турли мақсадларда фойдаланадилар.

Иккита мисолда восита ифодаловчиси бош келишиқда келиб, гапда эга вазифасини бажарган. Бу ҳам тилнинг, сўзлашувнинг ўзига хослигидир. Лекин яна семантик жиҳатдан биз уни фақат восита ифодаловчиси, деб қараймиз. Масалан, Қайси бир йили ҳам кимнингдир бармогини ўроқ қирқиб кетган эди (Ў.Умарбеков). Чап бармогининг қорамтир тирноғи (пичоқ ё ўроқ кесиб кетган бўлса керак) чиғаноқдек буралиб қолган (Ў.Умарбеков). Бу гаплардаги қирқмоқ, кесмоқ феълларининг восита ифодаловчиси **ўроқ**, **пичоқ** сўзлари бўлиб, гапда эга вазифасида келган.

Бу ҳолларда гапдаги эга (субъект) эллипсисга<sup>8</sup> учраб тушиб қолган. Қурол маъносидаги **ўроқ**, **пичоқ** унинг вазифасини ўз зиммасига олган ва бажарувчи бўлиб қолган. Аслида, мантиқан улар иш-ҳаракатни амалга ошириши асло мумкин эмаслиги, ўроқ ва пичоқни ҳаракатга келтирувчи инсон борлиги англашилиб туради. Демак, бу гапларда **ўроқ ва пичоқ** иш-ҳаракатнинг вужудга

келишидаги қурол бўлиб, **кесмоқ, қирқмоқ** феълларининг восита ифодаловчиларидир.

Восита валентлиги юмуш феълларининг аксарият қисмида шакллантирувчи ҳисобланади. Чунки ҳар сафар уларнинг маъно тузилишидаги 'бирон нарса билан' деган узвига мос сўз талаб қилиниб туради ва деярли ҳамма гапларда восита ифодаловчи сўз учрайди. Масалан, кўрпа билан, хартуми билан, пичоқда каби.

Восита валентлиги зарурий ва шакллантирувчи бўлган феъллар қуйидагилардир: **боғламоқ, қоқмоқ, кесмоқ, тўғрамоқ, қайрамоқ, тарамоқ, бўймоқ, ўймоқ, чопмоқ, ўрамоқ, қазимоқ, тикмоқ, қирқмоқ, тўқимоқ, текисламоқ, ҳайдамоқ, ўлчамоқ, артмоқ, ювмоқ**. Эътибор билан қарасак, бу феъллар билдирган иш-ҳаракатни бирон бир қуролсиз бажариб бўлмайди, яъни қўл билан бирон-бир нарсани кесиб бўлмайди, ўлчаш учун ҳам албатта бирорта идиш ёки тарозу керак ва ҳоказо.

Гапда баъзан восита валентлиги ифодаловчиси ўз аксини топмаган бўлиши мумкин. Лекин аввал таъкидланганидек, юмуш феъли маъносидан англашилиб туради. Демак, восита валентлиги бу феълларда зарурий (облигатор) валентликдир. Масалан: Оғзини маҳкам чилвир билан боғлаб қўйди (М.Осим). Ҳаммомда ўз ханжари билан томирини қирқди (Ў.Умарбеков).

Бу ва бошқа шу каби гапларда юқоридаги фикримиз тасдиқланади. Булардан **боғламоқ, қирқмоқ** феълларининг восита ифодаловчилари **чилвир, ханжар** сўзларидир.

Мантиқан, ушбу феълларнинг восита валентлиги реализатор, зарурий ҳисобланади.

Демак, восита валентлиги ҳам, объект валентлиги каби, юмуш феълларининг маъно тузилишидаги бир узв билан мослашиб, унинг маъносини очиб беради. Бундан ташқари, восита валентлиги феълда англашилган иш-ҳаракатни тўлдириб, воситасиз шу ҳаракат амалга ошмаслигини англатади. Шу билан восита валентлиги ҳам юмуш феъли маъносининг тўлиқ акс этишини таъминлайди.

## Хулоса

1. Восита валентлиги юмуш феълларининг зарурий валентлигидир.
2. Восита валентлиги ифодаловчилари маъносига кўра иккига бўлинади:
  - 1) восита маъноси; 2) қурол маъноси.

3. Улар гапда билан кўмакчиси ва ўрин, жўналиш келишиги кўшимчалари орқали реаллашади.
4. Гапда асосан воситали тўлдирувчи вазифасида келади.
5. Юмуш феълларининг восита ифодаловчиси асосан от туркуми орқали ифодаланиб, нарса, курул кабиларни билдириб келади.
6. Юмуш феълининг восита ифодаловчиси гапда равиш ҳоли вазифасида ҳам келади. Бунда восита ифодаловчиси вазифасидаги сўз одатдагидек от туркуми эмас, балки от+лаб кўшимчаси билан ясалган равиш орқали ифодаланади.



## АДРЕСАТ ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юмуш феълларининг яна бир валентлиги адресат валентлигидир. Юмуш феълларида ифодаланган иш-ҳаракат шу валентлик актантига йўналган бўлади, яъни адресат ҳаракатни қабул қилувчи ҳисобланади. Адресат ифодаловчилари асосан шахс билдирувчи сўзлар бўлади. Агар шахс ифодаловчи сўз бўлмаса, у кўчма маънода, шахс ўрнида қўлланган сўз бўлади. Йўналиш маъноси жўналиш келишигида ифодаланади, шунинг учун аксарият адресат ифодаловчилари жўналиш келишигида келади.

Адресат валентлиги ифодаловчиларининг маъно тузилиши шундай бир ўзига хоски, бу валентликка ўз-ўзидан эга бўлган, адресат валентлиги зарурий валентликка айланган юмуш феъллари мавжуд, шу билан бирга адресат зарурий бўлмаган, у маълум шартга кўра талаб қилинган, яъни адресат валентлиги факультатив валентлик ҳисобланган феъллар мавжуд.

Юмуш феълларининг кўпчилигида адресат бор ва у фаол иштирок этган. Адресат ифодаловчилари турли сўз туркумига оид бўлиши мумкин. Қандай сўз туркумида бўлмасин, улар, бир нечта истисно мисолларни ҳисобга олмаганда, шахс маъносини англатади: Саида опа ҳаммага чой қуйиб узатди (Ў.Умарбеков).

Ҳолат феълларида ҳам адресат ва адресат валентлигига эга феълнинг агеңси (адресант) шахс ифодалайди, яъни агеңси шахсни билдирувчи ҳолат феълларигина адресат валентлигига эга бўлади. Умри Умидага ўхшайди (Ҳ.Назир).

Адресат валентлиги от сўз туркуми орқали ифодаланиши мумкин. Бунда у ҳар хил маънони билдириб келади:

1. Шахс билдирувчи турдош отлар. Масалан: Чунки хонга зулм пичоғини қайраб бериш, шу мансабда узоқ яшамокнинг асосий шартидир (А.Қодирий). Афанди, худо бандаларига кулок улашганда эшак билан баровар борган экансиз-да! (Латифалар). Бу гапларда **қайрамоқ, улашмоқ** феълларининг адресат ифодаловчиси **хон, банда** сўзларидир.

2. Қариндош-уруғ номлари. Масалан: Гўшти онангга тўғраб бер (А.Қодирий). Майли, ўғлим, келинимга мен ундан яхшисини ясаб бераман (Ў.Умарбеков). Бугапларда **тўғрамоқ, ясамоқ** юмуш феълларининг адресат ифодаловчилари **она ва келин** сўзларидир.

3. Атоқли отлар. Масалан, Мана шу ерга Анвар акангга уй солиб берамиз (А.Қодирий). ...ул нобакор Нуҳ бинни Мансурга қарши

исён байроғини кўтариб...(М.Осим). Бу гапларда **солмоқ ва кўтармоқ** феълларининг адресат ифодаловчилари **Анвар ака, Нуҳ бинни Мансур** сўзларидир.

Адресат ифодаловчилари яна кишилик олмошлари билан ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, Яхшибой аканинг ўзи сизга чўлдан юз гектар ҳайдаб берарди (Ў.Умарбеков). ..чол унга ўрин солиб берганда ҳам...(А.Қахҳор). Бу гапларда **ҳайдамоқ, солмоқ** феълларининг адресат ифодаловчилари **сиз ва улар** олмошларидир.

Адресат ифодаловчилари отлашган сўзлар билан ифодаланиши мумкин. Масалан: Калтак ўқталганда тўқмоқ кўтар (Мақол). Бу гапта **кўтармоқ** юмуш феълининг адресат ифодаловчиси **ўқталган** сифатдоши бўлиб, у отлашган сўзидир.

Баъзи гапларда адресат мазмундан англашилиб турса-да, гапта ўз ифодасини топмаган, яъни у имплицит бўлади. Уларни ҳам имплицит агенсини келтириб чиқаргандек, шахс-сонни мантиқий ифодалардан аниқлаштириб, кишилик олмошлари орқали ифодаласа бўлади. Масалан: Кейин ўзим яхши кўрган шоколаддан икки-учтасини узатиб, бор, энди бир пас ўйнаб келгин, -дейди (Х.Тўхтабоев). Томдан ўтин ташлаб бергин (Х.Тўхтабоев). Бу гапларда **узатмоқ, ташламоқ** юмуш феълларининг адресат ифодаловчилари имплицит, лекин иккала гапта ҳам адресат I шахс, бирликдаги киши маъносини билдиради. Чунки биринчиси гапта **ўзим** сўзи шоколад кимга узатилганини билдириб турса, иккинчи гапта сўровчининг нутқидаги феъл буйруқ-истак майлида бўлиб, **менга ташлаб бергин**, деган илтимос англашиляпти.

Баъзи гапларда адресат ифодаловчилари инсон мучасини билдирувчи сўз бўлади, яъни улар бутуннинг қисмини ифодалайди. Бунда ҳам иш-ҳаракат шахсга қаратилади, фақат умуман шахсга эмас, унинг бирон-бир тана аъзосига йўналтирилган бўлади. Масалан: Графиндаги сувдан боланинг юзига сепди (М.Ҳазраткулов). Тракторчи шу ерга чолни ётқизиб, кўкрагига сув сепаяётган эди (Ў.Умарбеков). Шу он Сипарангиз кўйинидан кичкинагина ялтироқ пичоқча олди-ю, ўзининг кўксига санчиб...(М.Осим). Бу гапларда **сепмоқ, санчмоқ** феълларининг адресат ифодаловчиси юз, **кўкрак ва кўкс** сўзлари бўлиб, аслида улар боланинг юзи, чолнинг **кўкраги, ўзининг кўкси** тарзда шахсни билдиради.

Бир неча мисолимизда адресат шахс ифодаламайди, лекин маъносидан шахсга ишора сезилиб туради. Масалан: Меҳмонхона

торлик қилганидан мактаб учун махсус бино ёпди (А.Қодирий). Бу гапда **ёпмоқ** юмуш феълнинг адресат ифодаловчиси **мактаб** сўзидир. Лекин бино мактаб талабалари учун қурилгани яққол англашилиб туради. Ёки яна бир мисол: Чул баҳор келинчаги оёғи остига чечаклар билан безанган яшил поёндозини ёйиб ташлади (М.Осим). Бу гапда агенс ҳам, адресат ҳам аллегорик образлардир, яъни автор уларни жонлаштириб, шахс сифатида беради. Ушбу гапда **ёймоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **баҳор келинчаги оёғи** сўз бирикмасидир.

Баъзан адресат ифодаловчилари жамоа, ташкилотни билдирувчи институт, маҳалла каби сўзлар бўлиши мумкин. Ушбу жамоа ёки ташкилот инсонлардан иборат. Демак, адресат ифодаловчиси шахсни билдиради, деган шартимиз яна сақланиб қолди.

Юмуш феълларининг адресат ифодаловчиси, аввал айтилганидек, жўналиш келишигида бўлади. Шу билан бирга улар **қараб, учун, атаб, қарши** кўмакчилари билан ҳам келади. Бунда адресат маъноси кўмакчилар маъноси билан боғлиқ бўлади. Бир-биридан кўмакчи билдирган маънога кўра фарқланади. Шулардан **учун, атаб** кўмакчилари аталганлик маъносида қўлланар экан, адресат ҳам шундай маъно ифодалаганини кўрамыз. Масалан: Улар учун шундай катта молхона қурган эдикки...(Латифалар). Онам менга атаб атайлабдан кулча ясаган (Ў.Хошимов). Бу гапларда **қурмоқ, ясамоқ** юмуш феълларининг адресат ифодаловчилари **улар, мен** сўзларидир. Иш-ҳаракат ўтувчи объект ана шу адресат ифодаловчиларига аталганлиги англашилади.

**Қарши** кўмакчиси қарама-қаршилиқ маъносида қўлланади. Шунинг учун бу кўмакчи билан келган адресат ифодаловчисиди ҳам шу маънони кўрамыз. Масалан: ...ул нобакор Нух бинни Мансурга қарши исён байроғини кўтариб, Моваруннаҳр тинчини бузмокда (М.Осим). Бу гапда **кўтармоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси **Нух бинни Мансур** бўлиб, иш-ҳаракат ана шу адресат ифодаловчисига қарама-қарши йўналганлиги билдирилади.

Кейинги мисолда ҳам шунга ўхшаш ҳолни кўрамыз. Бу гапда **қараб** кўмакчиси қўлланган. Лекин **қараб** кўмакчиси билан келганда **қарши** кўмакчиси билан келгандаги кескинлик сезилмайди. Масалан: ...ойим қўлидаги таёқни менга қараб отди (Х.Тўхтабоев). Бу мисолда **отмоқ** феълнинг адресат ифодаловчиси томон йўналганлиги билдирилади. Демак, ҳар хил кўмакчилар билан ифодаланганда, адресат ва юмуш феъли орасидаги

муносабатда нозик фаркланиш мавжуд бўлади. Гапда адресат ифодаловчилари доим воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Юқоридаги кўрган мисолларимиз фикримизни тасдиқлайди.

Юмуш феълларининг адресат валентлигига эга бўлиш имкониятини кўриб чиққанимизда, қуйидаги ҳолнинг гувоҳи бўлдик. **Сузмоқ, солмоқ, ясамоқ** каби юмуш феълларининг адресат ифодаловчиларига шу иш-ҳаракат ёки объект аталган бўлади ёки бағишланади. Масалан: Анвар уларга дастурхон ёзиб...(А.Қодирий). Ферузаойга атаб ертўлага атайлаб узум осди (Х.Фуллом). Чунки мулла Фазлиддин чорбогда Бобур учун кўшк курган...(П.Қодиров). Бу гапларда **ёзмоқ, осмоқ, қурмоқ** феълларининг адресат ифодаловчилари биринчи гапда (**улар**) жўналиш келишигида, иккинчи гапда (**Ферузаой**) жўналиш келишигида ва атаб кўмакчиси билан, учинчи гапда (**Бобур**) учун кўмакчиси билан берилган.

**Юкلامоқ, орқаламоқ, термоқ** каби феълларнинг адресат ифодаловчилари аталганлик маъносини бермайди. Уларнинг маъно тузилиши бутунлай бошқача бўлиб, бунда юмуш феъллари билдирган иш-ҳаракат адресат ифодаловчиси ўрнига агенс томонидан бажарилганлиги англашилади, яъни: Улар қизларга пахта териб беришди. Бу гапда **термоқ** юмуш феълнинг адресат ифодаловчиси **қизлар** сўзидир.

Юмуш феълларидан англашилган иш-ҳаракатнинг ўзида адресат зарурияти бор феъллар сезилиб туради. Масалан: овқат сузмоқ; бунда овқат, албатта, кимгадир сузилади. Адресат валентлиги ушбу феълларда худди ўтимли феълларнинг объекти каби талаб қилиниб туради. Масалан, сотмоқ феъли. Гилам сотсанг, кўшнингга сот! (Мақол). **Сотмоқ** феълида айнан шундай ҳолатни кўрамыз. Сотиш жараёнинг ўзи адресатсиз содир бўлмайди. Мана шунақа адресат валентлиги зарурий бўлган юмуш феъллари бор ва, аксинча, уларга зарурат бўлмаган юмуш феъллари бор. Адресат валентлиги зарурий бўлмаган феълларнинг баъзиларига **бермоқ** кўмакчи феълни кўшсак, адресат зарурати пайдо бўлади. Бу ҳолда адресат ифодаловчисига зарурат **бермоқ** кўмакчи феъли билан биргаликда англаган маънода мавжуд бўлади. Чунки ушбу кўмакчи феълнинг маъно тузилишида адресат валентлигини талаб қилувчи узв бор, яъни бермоқ феъли маъносида аталиш маъноси бордир. У юмуш феълга қўшилганлиги туфайли таркибли феъл маъносида адресат валентлиги бор бўлади. Ҳақиқатдан, бундай

гапларни кузатганимизда, адресат валентлиги мавжуд эканлигини кўрамыз, аммо **гилам сотмоқ** сўз бирикмасидаги адресат ифодаловчиси билан **ерни чошиб бермоқ** сўз бирикмасидаги адресат ифодаловчилари орасида фарқ бор, албатта. Масалан, **бермоқ** кўмакчи феълени **сотмоқ** феълига кўшсак, **гилам сотиб бермоқ** тарзида бўлади. Унинг адресатини қўйиб кўрайлик: кўшнимга гилам сотиб бердим. Энди иш-ҳаракат ўтувчи объект кўшнимга сотилмади. Кўшнининг гилами менинг ёрдамимда сотилди.

**Ерни чошиб бермоқ** сўз бирикмасида эса объект эмас, иш-ҳаракат адресатга бағишланади. Ана шу хусусиятларига кўра юмуш феълларини икки гуруҳга ажратамиз:

1. Адресат ифодаловчиси юмуш феълнинг ўз мазмунидан яққол талаб қилинган феъллар.

2. Адресат ифодаловчиси юмуш феъли + бермоқ кўмакчи феъли таркибли феъли мазмунидан талаб қилинган феъллар.

Биринчи гуруҳга қуйидаги феълларни киритамиз: **тикмоқ, узатмоқ, сунурмоқ, сотмоқ, сепмоқ, узмоқ, сузмоқ, қуймоқ, ёймоқ, солмоқ, тўқимоқ, ёзмоқ, қурмоқ, ясамоқ, очмоқ, тайёрламоқ**. Масалан: Обиджон этигини этаги билан артиб, акасига узатди (А.Қаҳҳор). Агар шаҳаншоҳ бизга меҳмон бўлиб келса, оёғига қирк кўчқор сўямиз (М.Осим). Анвар уларга дастурхон ёзиб...(А.Қодирий). Бу гапларда **узатмоқ, сўймоқ, ёзмоқ** феълларининг адресат ифодаловчилари **ака, шаҳаншоҳ, улар** сўзларидир.

Иккинчи гуруҳга қуйидаги феълларни киритамиз: **юкламоқ, чопмоқ, ташламоқ, беламоқ, кўймоқ, ювмоқ, термоқ, экмоқ, судрамоқ, тутмоқ, кулфламоқ, мойламоқ, бузмоқ, қазимоқ, тозаламоқ, ортмоқ, қайрамоқ, ўймоқ, тузатмоқ, суғормоқ, ҳайдамоқ, тортмоқ, кўтармоқ**. Масалан: Чунки хонга зулм пичоғини қайраб бериш...(А.Қодирий). Томдан ўтин ташлаб бергин (Ў.Умарбеков). Яхшибой аканинг ўзи сизга чўлдан юз гектар ҳайдаб берарди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **қайрамоқ, ташламоқ, ҳайдамоқ** юмуш феълларининг адресат ифодаловчилари **хон, сиз** сўзлари бўлиб, учинчи гапда имплицит /мен/ дир.

## Хулоса

1. Адресат валентлиги юмуш феълларининг факультатив валентлигидир.
2. Юмуш феъллари ўз маъносига кўра адресат талаб этувчи ва бермоқ кўмакчи феъли билан таркибли феъл ҳолида адресат талаб қилувчи феълларга бўлинади.
3. Улар гапда жўналиш келишиги ва **учун, атаб, қараб, қарши** кўмакчилари ёрдамида феъл билан бирикади.
4. Гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади.
5. Юмуш феълларининг адресат актанти, асосан, шахс билдирувчи от, олмош ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.

## ЎРИН ВАЛЕНТЛИГИ ВА УНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Юмуш феълларининг маъно тузилиши амалий ҳаракат билан боғлиқ ва бирор нарсага ўтиш хусусиятига эга. Бундай ҳаракат содир этилиши учун, албатта, жой ва макон бўлиши керак бўлади. Юмуш феълнинг имкониятларини ўрганар эканмиз, ана шу жой маъносидаги сўзга талаб сезилиб туради. Бу юмуш феълларининг яна бир валентлик, локалис (ўрин) валентлигига эга эканлигини кўрсатади.

Юмуш феълларининг ўрин валентлиги ифодаловчилари катта сатҳдаги жойларни билдирувчи сўзлар бўлиб, юмуш феъллари билдирган ҳаракатнинг амалий хусусиятга эга эканлиги билан боғлиқдир. Масалан: “Правда” колхозининг тоғли ерларида ўт ўрилмай келар эди (Ў.Умарбеков). Янаги йилданок далаларнинг барига шу Азизнинг навидан экардим (Ў.Усмонов). Буларнинг зиммаларига тушадиган вазифалар – хумдондан ғишт, Зарбулоқдан қум ташиш (А.Қаҳҳор). Бу гапларда ўрмоқ, экмоқ, ташимоқ феълларининг ўрин ифодаловчилари ер, дала, Зарбулоқ сўзларидир. Ўрин ифодаловчилари биринчи гапда ўрин келишигида, иккинчи гапда жўналиш келишигида ва учинчи гапда чиқиш келишигида келган.

Энди ўрин валентлигига эга бўлган ҳолат феълларида ўрин актантининг ифодаланишига эътибор берайлик. Ҳолат феълларининг локалис актанти ҳар доим ўрин келишигида ифодаланади. Асосан шу келишиқдаги нутқ бирлиги феълда ифода топган ситуациянинг бажарилиш ўрин билан бевосита боғланади.<sup>16</sup>

Юмуш феълларида эса ўрин ифодаловчилари ўрин келишигидан ташқари жўналиш ва чиқиш келишиқларида ҳам ифодаланиши мумкин. Бу ҳам юмуш феълларининг маъно тузилишидаги амалий ҳаракат, фаоллик билан боғлиқ. Ҳолат феъллари ифодаланган маъно эса жўналиш ёки чиқиш келишигидаги ўрин ифодаловчилари билан муносабатга кириша олмайди.

Ҳолат феълларидаги 'ҳолат' узви бирон жойга ёки бирон жойдан йўналиши мумкин эмас. Ҳолат феъллари билдирган иш-ҳаракат фақат бирон жойда содир бўлиши мумкин. Масалан, гавдаланмоқ ҳолат феъли фақат кўз олдида гавдаланади бўлиши мумкин. Кўз олдида гавдаланади ёки кўз олдидан гавдаланди, тарзида бириқиши асло мумкин эмас. Юмуш феълларидаги 'ҳаракат' узви эса ҳар учала келишиқ билан бирика олиш имконини

беради. Чунки юмуш феъллари маъносидаги амалий ҳаракат бирон жойга ёки бирон жойдан йўналиши мумкин. Қиёсланг:

Далага эқмоқ.

Далада термоқ.

Даладан термоқ.

Юмуш феъллари ўрин валентлиги ифодаловчилари билан муносабатга киришар экан, баъзи феъллар чиқиш, баъзилари жўналиш келишиги ёрдамида асло реаллаша олмайди. Масалан, **узмоқ**, **термоқ** каби феълларнинг ўрин ифодаловчилари ўрин ёки чиқиш келишигида келмайди. **Эқмоқ**, **қурмоқ**, **сепмоқ** каби феълларнинг ўрин ифодаловчилари эса ўрин ва жўналиш келишигида бўлиши мумкин, лекин ҳеч қачон чиқиш келишигида реаллашмайди. Бу юмуш феълларининг семантик хусусиятлари билан боғлиқдир.

**Термоқ**, **узмоқ** каби феълларда ҳаракат объект ўрндан бажарувчига қараб йўналган бўлади. Жўналиш келишиги ўрин маъносини билдирганда, йўналиш маъноси бажарувчидан бошланади. Шунинг учун ушбу феъллар билдирган ҳаракатнинг ўрнини жўналиш келишигида ифодалаш мантиқан тўғри келмайди. Юқорида айтганимиздек, бу феълларнинг ўрин ифодаловчилари ўрин ёки чиқиш келишигида ифодаланади. Масалан:...тандирдан гижда узаётган новвойнинг олдида тўхтаб...(Латифалар). “Правда” колхозининг тоғли ерларида ўт ўрилмай келарди (Ў.Умарбеков). Бу гапларда **узмоқ** ва **ўрмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари чиқиш келишигидаги **тандир** ва ўрин келишигидаги **ерлар** сўзларидир.

**Эқмоқ**, **солмоқ**, **сепмоқ** каби феълларда ҳаракат бажарувчидан объект ўрнига қараб йўналган. Чиқиш келишиги ўрин-жой маъносини билдирганда, йўналиш объект ўрндан бошланади. Шунинг учун юқоридаги феъллар англаган ҳаракатнинг ўрин ифодаловчилари чиқиш келишигида келиши мантиқан тўғри бўлмайди. Улар ўрин ёки жўналиш келишигида бўлиши мумкин. Масалан ...куёвингиз баҳорда қирга бугдой экиб, кузда сизга от олиб бермоқчи (Латифалар). Чорбоғда тиллақори кўшк курганингизда кўргансиз... (П.Қодиров). Бу гапларда **эқмоқ**, **қурмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари жўналиш келишигидаги **қир** ва ўрин келишигидаги **чорбоғ** сўзларидир.

Ўрин ифодаловчиси қайси келишиқда келиши мумкинлигига кўра феълларни куйидаги гуруҳларга ажратамиз.



1. Ўрин ифодаловчилари ўрин келишигида келиши мумкин бўлган юмуш феъллари: **тикмоқ, сотмоқ, соғмоқ, сузмоқ, қуймоқ, тўкимоқ, ясамоқ, очмоқ, юкламоқ, чопмоқ, ювмоқ, қулфламоқ, қайрамоқ**. Масалан: Зумрадбиби бостирмада сигир соғяпти (Х.Фулом). Қайнонангиз дарё лабида кир ювиб ўтириб сувга тушиб кетибди (Латифалар). Бу гапларда **соғмоқ, ювмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари ўрин келишигидаги **бостирма** ва **дарё лаби** сўзларидир.

2. Ўрин ифодаловчилари жўналиш ва ўрин келишигида келган юмуш феъллари: **экмоқ, сепмоқ, ёймоқ, солмоқ, ёзмоқ, қурмоқ, ташламоқ, беламоқ, кўймоқ, ортмоқ**. Масалан: Йўлакларга сув сепилган...(А.Қодирий)...бу қўрғонларни ўз шаҳримга элтиб қурмагунимча, менинг суягим тинчимайди (Ўзбек халқ оғзаки ижоди). Бу гапларда **сепмоқ, қурмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари жўналиш келишигидаги **йўлак, шаҳар** сўзларидир.

3. Ўрин ифодаловчилари чиқиш ва ўрин келишигида келган юмуш феъллари: **узмоқ, термоқ, тутмоқ, сурмоқ, олмоқ, ўрмоқ**. Масалан:.. ҳар гектар ердан ўн тонналаб тузни суриб чиқарибмиз (Х.Фулом). Бир куни афанди ҳовуздан сув олаётиб...(Латифалар). Бу гапларда **сурмоқ** ва **олмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари чиқиш келишигидаги **ер** ва **ҳовуз** сўзларидир.

Ҳар бир гуруҳ феълларининг ўрин ифодаловчилари кўрсатилган келишиқда бўлиши мумкин ва бошқа келишиқда реаллашмайди. Чунки бу уларга мантқан тўғри келмайди.

Юмуш феълларининг ўрин ифодаловчилари келишиқлар билан бирга кўмакчи отлар билан ҳам ифодаланиши мумкин. “Кўмакчили нутқ бирликларида ҳолат (ҳаракат ҳам) юз берган сатҳ анча аниқлашиб туради”. Бунда ўрин актантилари конкрет бир жой маъносини ифодалайди.

Улар от + кўмакчи кўринишида бўлар экан, ўша отга нисбатан қаерда, қай ҳолатда эканлиги жуда аниқ кўрсатилади. Масалан:...тақа мўйловли эса уй ичида майда миҳ билан деворга сим қоқарди (Ў.Усмонов). Кейин бу тахталар устига беда боғларини баланд қилиб тахлаб ташлади (П.Қодиров). Болалар, мана бу кўча бошида ёнғоқ қоқияпти (Латифалар). Бу гапларда **қоқмоқ, тахламоқ, қоқмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари уй ичида, тахталар устига, кўча бошида каби сўз бирикмаларидир. Улар ичида, устига, бошида кўмакчи отлари орқали

иш-ҳаракатнинг ўрин маъносини умумийликдан хусусийликка айлантирган, янада аниқроқ ифодалашга ёрдам берган.

Юмуш феъллари амалий ҳаракатларни ифодалайди. Уларнинг кўпчилиги инсоннинг кундалик шугулланадиган иш-ҳаракати бўлиб, аксарият, ҳовли-жойга тааллуқли ўрин ифодаловчиларига эга бўлади: **ўчоқбоши, сўри, том, ошхона, зинапоя, бостирма, ҳовли, кўшк, ертўла, айвон** каби. Масалан: Ҳадича хола супага қизил шолча ва янги атлас кўрпача солди (А.Қаҳҳор). Ҳанифа ўчоқбошида ош дамлар, Чўлбобо ҳамон богда ишлар эди (Х.Ғулом). Афанди уйдан бир ҳамён тангани кўтариб чиқиб... (Латифалар). Маҳаллардан беш-ўнта бола йигди ва энг шимариб, мактабдорликни бошлади (А.Қодирий). Бу гапларда **солмоқ, дамламоқ, соғмоқ, кўтармоқ, йиғмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари одамлар яшаб, кун кўрадиган жой маъносидаги қуйидаги сўзлардир: **супа, ўчоқбоши, бостирма, уй, маҳалла**.

Баъзи ўрин ифодаловчилари эса кишиларнинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ бўлган жойлар бўлиб, улар қуйидагилардир: **ишхона, ферма, тегирмон, мактаб, вокзал, бозор, қушхона** ва ҳоказо. Масалан: Ойим бўлса уйимиздан уч юз метр наридаги фермада сигир соғади (Х.Тўхтабоев). Қозон вокзалида Мирзачўлга кетаётганларининг махсус вағони составга уланди (Х.Ғулом). Бир куни отаси билан эшакка ун юклаб тегирмонга кетаётган эди (Латифалар). Бу гапларда **соғмоқ, уламоқ, юкламоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари касб-хунар билан боғлиқ жойни билдирувчи **ферма, вокзал, тегирмон** сўзларидир.

Йиғилган мисолларда энг кўп учрайдиган ўрин ифодаловчиси-бу 'ер' узвига эга бўлган сўзлардир. Қуйидаги сўзлар шулар жумласидандир: **чўл, чуқур, ер, боғ, қир, дала, Мирзачўл, жой, тоғ** ва ҳоказо.

Масалан: Сиддиқжон далага уруглик ва гўнг элтиб, ҳосил келтиради (А.Қаҳҳор). Чўлда янги ерлар очяпмиз (Х.Ғулом). Ҳар гектар ердан тонналаб тузни суриб чиқарибмиз (Х.Ғулом). Бу гапларда **элтмоқ, очмоқ, сурмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари **дала, чўл, ер** сўзларидир.

Юмуш феълларининг ўрин валентлиги сув ҳавзалари билан боғлиқ сўзлар орқали ифодаланиши мумкин. Масалан:...шўрни зовурга ағдарамиз (Х.Ғулом). Бир куни Афанди ҳовуздан сув олаётиб, кўзасини сувга тушириб юборди (Латифалар).

...Сиддикжон анҳорнинг нариги ёғида анжир очаётган бўлиб, кизни кузатиб турган эди (А.Қаҳҳор). Бу гаплардаги **ағдармоқ, олмоқ, очмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари сув ҳавзасини билдирувчи **зовур, ҳовуз** сўзлари ва **анҳорнинг нариги ёғи** сўз бирикмасидан иборат.

Баъзи гапларда ўрин валентлиги ўрин равиши орқали ифодаланган. Бунд ўрин-жой маъноси от орқали ифодаланганга қараганда мавҳумроқ бўлади. Масалан: Товоқни нари сурдим (Ў.Ҳошимов). Душманни орқага сура бошладилар (М.Осим). Узоқ-яқиндан мол боқишга келган болалар шу ерда йиғилиб... (Ў.Ҳошимов). Бу гапларда **сурмоқ, боқмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари **нари, орқа, узоқ-яқин** равишлари бўлиб, улар турли келишикларда келган.

Юмуш феълларининг барча валентликларида бўлгандек, ўрин валентлигида ҳам шу актант олмош орқали ифодаланган мисоллар учради. Уларда маълум ўрин-жойга ишора берилади. Табиийки, бунда ўрин маъноси мавҳум ифодаланади. Масалан: баъзи жойларга **тўрт-беш** марталаб чигит экишди азаматлар (Ў.Усмонов). Мана шу ерга Анвар Акангга уй солиб берамиз. (А.Қодирий)

Бу гапларда **экмоқ, солмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари **баъзи жой, мана шу ер** олмошларидир.

Юқорида таҳлил қилган мисолларимизда ўрин ифодаловчилари вазифасида 'жой' ва 'сатҳ' маъносини билдирувчи ёки унга ишора қилувчи сўзлар келган. Шу билан бирга 'нарса' узвли сўзлар ҳам ўрин валентлиги ифодаловчиси бўлиши мумкин. Улар ўрин, жўналиш ва чиқиш келишигида келиб, ўрин-жой маъносини ифодалайди. 'Нарса' узвли ўрин ифодаловчилари куйидагилардир: **ўрик, шох, кўйин, кўра, бешик, тандир, ёқа** каби. Масалан: Тушган чўғларни кўрага терди (Х.Ғулом). Анвар оғаларининг бир эски бешигига тўққизинчи кун беланди эмас, тикилди (А.Қодирий). ...тандирдан гижда нон узаётган новвойнинг олдида тўхтаб.. (Латифалар). Бу гапларда **термоқ, беламоқ, узмоқ** феълларининг ўрин ифодаловчилари жўналиш келишигидаги **кўра** ва **бешик** ҳамда чиқиш келишигидаги **тандир** сўзларидир. Турли келишикларда ифодаланар экан, бу сўзлар иш-ҳаракат амалга оширилаётган жой маъносини билдиради.

Хуллас, юмуш феълларининг ўрин валентлиги ўрин, чиқиш ва жўналиш келишиклари орқали ифодаланади. Баъзан от кўмакчилар

ёрдамида реаллашади ва бу ўрин маъносини янада аниқроқ ифодалашга хизмат қилади.

Ўрин валентлиги 'сатҳ', 'уй-жой', 'корхона', 'ер', 'сув ҳавзаси' каби ўрин-жой маъносидаги узвлари бўлган сўзлар билан ифодаланади. Баъзан эса 'нарсаси' узви сўзлар ҳам ўрин, жўналиш ва чиқиш келишикларида келиб ўрин-жой маъносини билдириши мумкин.

Ўрин валентлиги от, равиш ва олмош сўз туркумлари орқали ифодаланади.

## УМУМИЙ ХУЛОСА

Юмуш феълларининг валентлигини тадқиқ этиш натижалари куйидаги хулосаларга олиб келади:

1. Юмуш феъллари агенс, контрагент, объект, пациенс, восита, адресат ва ўрин валентликларига эга эканлиги билан характерланади.

2. Юмуш феълларининг агенс валентлиги асосан шахс билдирувчи от, олмош, сифат, сон, равиш каби туркумга оид сўзларда: агар шахс билдирмаса ҳам, мажозий маънога эга бўлган, моҳиятида 'шахс' узви ётган отларда юзага чиқади. Сифат, сон, равиш туркумидаги сўзлар эса отлашган ҳолда учрайди.

3. Юмуш феъллари гапда кесим бўлиб келса, агенс эга вазифасини бажаради. Агар у мажхул нисбатда ёки сифатдош ҳаракат номи, равишдош вазифаси шаклида қўлланса, уни юзага чиқарувчи сўз гапда бошқа вазифада келиши кузатилади.

4. Юмуш феълларининг контрагенти доимо шахс билдириши, қайси туркумда ифодаланиши жиҳатидан агенсга ўхшаб кетади. Лекин гапда қандай вазифадаги бўлақда юзага чиқиши билан фарқ қилади. У деярли доим воситали тўлдирувчи вазифасида келади.

5. Юмуш феълларининг контрагент валентлиги облигатор бўлмай, факультатив характерга эга. У жуда кам ҳолларда нутқда юзага чиқади.

6. Юмуш феълларининг объект валентлиги буюм ва шахс билдирувчи от, сифат, сон, олмош туркумига оид сўзларда юзага чиқади. Юмуш феъллари гапда кесим бўлиб келса, объект деярли воситасиз тўлдирувчи вазифасида, юмуш феъллари мажхул нисбатда бўлса, объект эга вазифасида ҳам келиши мумкин.

7. Юмуш феъллари ҳаракат номи ва сифатдош вазифаси шаклларида қўлланса, объект актанти гапда бошқа вазифаларда ҳам кузатилади. Объект валентлиги облигатор валентликдир.

8. Юмуш феълларининг пациенс валентлиги деярли доим воситасиз тўлдирувчи вазифасида юзага чиқиб, от, сифат, сон, олмош туркумлари билан ифодаланиши кузатилади. Феъл мажхул нисбатда ёки ҳаракат номи ва сифатдошлик вазифаси шаклларида қўлланганда, пациенснинг ҳам гапдаги вазифаси ўзгариб кетади.

9. Юмуш феълларининг агенс, контрагент, объект, пациенс октантларигина феълнинг нисбати ва қайси вазифа шаклида қўлланганига қараб гапдаги вазифасини ўзгартиради. Бу ҳол феълнинг маълум шаклда қўлланиши шу феълнинг валентликлари билан, валентликлари эса унинг бирон шаклда юзага чиққан маъноси билан боғлиқ бўлишини кўрсатади.

10. Восита валентлиги маъносига кўра восита ва қуролни билдиради. Гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Восита октант асосан от туркумида ифодаланиб, нарса, қуролни билдиради. У феъл томонидан билан кўмакчиси ва ўрин, жўналиш келишиги ёрдамида бошқарилади.

11. Восита октант феълнинг қанақа шаклда келишидан қатъий назар ҳоким бўлагига нисбатан гапнинг қандай бўлагидан ифодаланиши ўзгаришсиз қолаверади.

12. Адресат валентлиги юмуш феълларининг факультатив валентлигидир. Юмуш феъллари ўз ҳолида адресат талаб этувчи ва бермоқ кўмакчи феъли билан таркибли феъл ҳолида адресат талаб қилувчи феълларга бўлинади. Улар гапда воситали тўлдирувчи вазифасида келади. Улар от, олмош ва отлашган сўзлар билан ифодаланади.

13. Юмуш феълларининг ўрин валентлиги факультатив валентлиқдир. У ўрин жўналиш, чиқиш келишиклари от кўмакчилар ёрдамида реаллашади. Ўрин ифодаловчилари от, равиш ва олмош сўз туркумлари орқали ифодаланади.

14. Юмуш феълларининг қайд этилган агенс, контрагент, объект, пациенс, восита, адресат ва ўрин валентликлари унинг семантикаси билан боғлиқ ҳолда мавжуддир. Шунинг учун ҳам унинг семантик валентликлари деб қаралади.

15. Юмуш феълларининг агенс, объект, пациенс ва восита валентликлари зарурий валентлик ҳисобланади.

16. Юмуш феълларининг кўрсатилган семантик валентликлари унинг семантик тузилиши билан боғлиқдир, шунинг учун ҳам у барча тилларда бирдай намоён бўлади, яъни байналмилал характерга эга.

17. Юқорида қайд этилган юмуш феъллари семантик валентликларининг гапда қандай шаклда намоён бўлиши ҳар бир тилнинг ўзига хос бўлиб, ушбу ишда муаллиф фақат ўзбек тилига хос томонларини тадқиқ этиб кўрсатган. Шунинг учун у миллий характерга эга.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. Абдурахмонов И. Полисемия и антонимия прилагательных протяженности в современном узбекском литературном языке. Автореф. дис. канд. филол. наук. -Ташкент, 1973.
2. Абилова Н.С. Вид глагола и семантика глагольного слова. -М.: Наука, 1976.
3. Апресян Ю.Д. Лексическая семантика. Синонимические средства языка. М.: Наука, 1974.
4. Гак В.Г. Сопоставительная лексикология. -М.: Между-нар. отношения, 1977.
5. Каримжонова В. Лексемаларнинг бошқарув боғланишида юза ифода этувчи классема // Ўзбек тили ва адабиёти. -1993, № 3. -Б.
6. Кононов А.Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. -М.-Л.: ИАН, 1960.
7. Кучкартаев И. Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке. Ташкент: Ўқитувчи, 1977.
8. Махмудов Н. Эллипсис в узбекском языке: Автореф. дис. канд. филол. наук. - Ташкент, 1978.
9. Махмуд Кошгарий. Девону лугатит турк. -Тошкент: ЎзССР Фанлар Акад. Нашр., 1960.
10. Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. -Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
11. Медникова Э.М. Значение слова и его описание. -М.: Высш. Шк., 1974.
12. Миртожиев М. Мажхул нисбат масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1975. -№ 2. -Б.
13. Миртожиев М. Ўтимлилик ва орттирма нисбат категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1982. -№ 4.
14. Миртожиев М. Ўтимлилик ва орттирма нисбат категорияси // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1983. -№ 2.
15. Нигматов Х.Г. Залогии глагола в восточнотюркских языках XI-XII веков // Сов. Тюркология. - 1973. - № 1.
16. Расулов Р. Ўзбек адабий тилидаги ҳолат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. - Тошкент: Фан, 1989.
17. Расулов И. Ҳозирги ўзбек адабий тилида бир составли гаплар. - Тошкент: Фан, 1974.
18. Раҳматуллаев Ш. Лексема ва фразема маъносини компонент таҳлилининг баъзи натижалари // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1972. - № 3.
19. Раҳматуллаев Ш., Юнусов Р. Семаларнинг семалар состави ва семантик боғланиш масаласи // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1974. - № 1.
20. Садыкова М. Слова обозначенные цвет и окраску в узбекском языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1963.
21. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. -М.: Наука, 1971.
22. Соссюр Ф. Курс общей лингвистики. - М.: 1933.
23. Степанова М.Д., Хельберг Г. Чести речи и проблема валентности в современном немецком языке. - М.: Высш. Шк., 1978.
24. Турсунов У., Мухторов Ж. Ўзбек тилида феъл даражалари тўғрисида // ТР. УзГУ. Нов. Сер. - № 63.
25. Усмонов С. Умумий тилшунослик. - Тошкент: Ўқитувчи, 1972.
26. Шукуров И. Эллипсис сабабли отларда нутқий метонимиялар содир бўлиши // Ўзбек тили ва адабиёти. - 1982. - № 3.
27. Юнусов Р. Полисемия и синонимия имен существительных места в современном узбекском лит. языке: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. -Ташкент, 1973.
28. Гуломов А., Аскарова М. Ҳозирги замон ўзбек тили. Синтаксис. -Ташкент: Ўрта ва олий мактаб, 1961.
29. Ҳақимов Қ.М. Содда гап қолипли фразеологизмларда семантик валентликлар: Филол. фанлари номзоди... дис. автореф. - Ташкент, 1994.
30. Ҳожиев А. Ўзбек тилида кўмакчи феъллар. -Ташкент: Фан, 1966.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
Юмуш феълларининг агенс валентлиги ва унинг ифодаланиши.....	8
Юмуш феъли турли нисбатларда келганда агенсининг гаптаги вазифаси.....	14
Юмуш феъллари функционал формаларда келганда агенсининг гаптаги вазифаси.....	18
Юмуш феълларида объект валентлиги.....	25
Объект ифодаловчисининг турли келишларда келиши.....	36
Юмуш феъллари функционал формаларда келганда объект ифодаловчисининг вазифалари.....	38
Юмуш феъллари турли нисбатларда келганда объект ифодаловчисининг гаптаги вазифаси.....	41
Юмуш феълларида пациенс.....	43
Восита валентлиги ва унинг ифодаланиши.....	46
Адресат валентлиги ва унинг ифодаланиши.....	56
Ўрин валентлиги ва унинг ифодаланиши.....	62
Умумий хулоса.....	68
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	70



**Ў. ШАРИПОВА**

# **ЮМУШ ФЕЪЛЛАРИНИНГ МАЪНО ВАЛЕНТЛИКЛАРИ**

**(Ўқув қўлланма)**

**Босишга рухсат этилди 03.02.2012 йил. Бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>.**

**«Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.**

**Шартли босма табағи 4,75. Нашр босма табағи 4,5.**

**Тиражи 100. Буюртма № 194.**

**«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.**

**100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.**